

# ТОЛИБ ТОЛИБИЙ

# МУРАТТАБНОМА

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти  
1983

Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи, филология  
фанлари кандидати

*ТЕМУР НОРОВ*

Тақризчи: Филология фанлари кандидати

*Ваҳоб Раҳмонов*

T 70403—47  
M 352(04) — 83 2-83 4702570100

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриё-  
ти, 1983 й.

## ТОЛИБ ТОЛИБИЙ

XIX асрда Бухорода яшаб ижод этган шоирлардан бири Толиб Толибийдир. Ҳаёти ва ижоди бирмунча мураккаб бўлган бу шоир ҳақида берилган илк маълумот академик В. А. Абдуллаев қаламига мансубдир.

Профессор В. А. Абдуллаев томонидан «Бухоро қадимги маданият ва адабиёт изларидан» рубрикаси остида берилган «Толиб Толибий» сарлавҳали илмий мақола қуйидагича бошланади:

«Бу ном ва тахаллус билан ҳам тожикча, ҳам ўзбекча шеърлар ёзган шоир ким экан у? Қарда, қайси, асрда, қандай шароитда ҳаёт кечирган ва кўпроқ нималар тўғрисида ёзган.

Балки Сиз жаҳонда Толиб номли кишилар ҳам, Толибий тахаллусли шоирлар ҳам кўпдан-кўп ўтганлар,— деб қўя қоласиз. Йўқ гап ўтмиш маданий меросини тўлалигича ўрганиш, сарасини сарага, пучагини пучакка ажратиб тўғри тақдирлаш, тўғри фойдаланиш устида бораркан, бошқа шоирлар билан бирга Толиб ёки Толибий тахаллусли шоирларни ҳам ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Сиз бизнинг томонимиздан ижодий фаолияти қаламга олинаётган шоир Толиб Толибий ҳақида бирор хулосага

келмоқчи бўлсангиз, у ҳолда Бухорога келиб қолганингизда, ёки йўлингиз тушиб қолгудек бўлса, республикамизнинг бу ердаги маданий ўчоқларидан бири бўлган Абу Али Ибн Сино номли кутубхонага киришгилар. Шарқ кўлэмалари фондидан 417—рақамли «Девони Толиб»ни сўранганда, бир варақлаб чиқинг!»<sup>1</sup>.

Устоз маслаҳатларига асосан «Девони Толиб»ни олиб варақладик. Шоир уни «Мураттабнома» деб номладик. Унда маснавий, ғазал, мухаммас, баҳри тавил, мусамман, мустазод, рубоий каби Шарқ поэзияси жанрлари мавжуд бўлиб, у жами 4747 мисрадан иборатдир. Девон Мирзо Амин ибни Мулло Нурмуҳаммад деган хаттот томонидан кўчирилган, йили кўрсатилмаган.

Биз «Девон»ни синчиклаб ўқиб чиққандан кейин, йирик олим В. А. Абдуллаевнинг девон таҳлилига бағишланган мақолаларини яна кўздан кечирдик. Бу илмий мақола ниҳоятда ихчам бўлишига қарамай, қилинадиган илмий ишимиз йўлини оидинлаштирди. Тақризчи В. А. Абдуллаевнинг: «Биз шоир Толиб Толибий ва унинг девонида келтирилган шеърлар ҳақидаги дастлабки мулоҳазаларимизни ҳозирча шу айтганларимиз доирасида якунлаб, гарчанд унда хилма-хил ва мураккаб йўналишлардаги фикрий қарама-қаршилиқлар мавжуд бўлса-да, «Вафосиз аҳли жафоларга бўлмагин дамсоз» деган бу шоир ўз даврида, Бухорода XIX аср ўзбек адабиёти ривожига алоҳида ўрин тутган ижодкор сифатида (унинг отаси Боймуҳаммад эса, XIX аср хаттотларининг бири сифатида) ўрганилиши лозим деб

---

<sup>1</sup> В. А. Абдуллаев. «Толиб Толибий». «Бухоро ҳақи» газ. 18 декабрь, 1960 й.

биламиз<sup>1</sup>,—деган илмий хулосаси асосида Толиб Толибий адабий меросини кенгроқ, таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

«Ҳар боғнинг ўз файзи ва ўз таровати бордир»,—деганларидек, Толибий «Девони»ни ўқиб чиқаётганда гўё донишманд «фалакзада» файласуф нуроний бир чол билан суҳбат қураётгандек сездик ўзимизни.

Шеър—шоирнинг дарди, қалб чашмасидан сизилган инжулари, орзу, армонлари баёни. Бу баёнларда шоир баъзан ўз портретини ҳам берган.

Қарилик етдию, куч кетди, тан бўлди бетоб,  
Кўз ўлди ожизу вақт ўтди, эмди ҳол хароб...

Бу автобиографик байтда ёшани яънаб, дармонсизлашиб қолган кўзлари хира, тани касалманд, умр «куз»ида ўзини зўрға тортиб юрган оппоқ соқолли, нуроний донишманд шоир кўриниб тургандек. Бундай ҳолатдаги одамни 60 дан ошган, 70 ёшлардаги киши деб тахмин қилиш ҳақиқатга яқинроқдир.

Шарқ классик поэзиясидан, айниқса, Алишер Навоий, Фузулий, Жомий, Бедил, Машраб ижодидан баҳраманд бўлган, замондошлари адабий давраларида камолат ҳосил қилган, аммо шароит зайли билан кўп умрини қаландарлик—сарсон-саргардонлик билан «абас-беҳуда» ўтказган Толиб Толибий ҳаёти охирларида дўстларига бир ёдгорлик қолдириш орзусида бўлган ва шу нияти

---

1 В. А. Абдуллаев. «Икки шоир ва икки тақдир», СамДУ илмий асарлари, 127-нашр. Самарқанд, 1963 йил, 127—128-бетлар.

билан «Мураттабнома»<sup>1</sup> тузган. Муаллиф «Мураттабнома» асари ҳақида ёзади:

...Азбаройи яхшилар мандин нишон,  
Бир «Мураттабнома» қилдим дурфишон.  
Барча(си) баҳри алифдин бўлди ҳал,  
Бир алиф ҳарфига беш хат бир газал.  
Бир кам ўттиз банд муҳаммас, баъд аз он,  
Икки фасл ҳар баҳрига эй нуктадон.  
Бир кам олтмиш фасл эрур баҳрул ҳаёт,  
Ул сабабдин бу «Мураттабнома»<sup>2</sup> от.  
Жумла олтмиш беш маротиб боб-боб,  
Турку тоҷик барчасин қилсанг ҳисоб.  
Охири баҳри тавил фасл ила гул,  
Хатм бўлди бу мураттаб, эй ўғул,  
То қиёмат ҳалқ аро, эй номдор,  
Қолгуси мандин бу сўзлар ёдгор.

Девон тартиб берилган йилни ҳам юқоридаги шеърнинг давомидан англашимиз мумкин:

Минг икки юз тўқсон олтида сана,  
Ибни Мулло Боймуҳаммад биргина.

Бундан кўринаяптики, шоир Толиб Толибий Мулло Боймуҳаммаднинг биргина ўғли бўлиб, у мазкур асар

1 Тоҷикистон Фанлар академияси қўлёзмалар фонди инв. 2531-рақами остида «Тазкирайи-Муқимхоний» қўлёмаси сақланмоқда. Муаллиф: Муҳаммад Юсуф Мунший бин хожа Бақо—Қотиб; Боймуҳаммад 1266-ҳижрий (1848-1849) йили Бухорода кўчирилган бу тазкира қотиби Боймуҳаммадни олимларимиз шоир Толиб Толибийнинг отаси бўлса керак, деб тахмин этадилар. Биз шу фикрга қўшилаемиз.

2 Мураттаб—тартиб, тузиш—демакдир. «Мураттабнома» санъаткорона тузилган шеърини гулдаста. Бу санъат Толибийгача учрамаяпти. (Т. Н.)

(«Мураттабнома»)ни 1296 ҳижрий йилида ёзган, бу сана эса мелодийда 1878 йилга тўғри келади.

«Девон»да шоир таржиман ҳолига доир алоҳида маълумот йўқ. Юқоридаги штрихлар ва: «Эй мани қаряйи Қўлдош эди билсанг жойим» (137) мисрасида илгари сурилган фактлар ва фикрлар асосида қуйидагича хулосага келиш мумкин:

Толиб Толибий Боймуҳаммад деган кишининг якка-ёлғиз ўғли бўлган. У XIX аср бошларида Қўлдош деб номланган (ҳозирги Вобкент район «Ленинград» қолхоз-территорияси) қишлоқда туғилган. Ешлигида шу қишлоқ мактабларида ўқиган. Хат-савод чиқаргач, Бухоро мадрасаларининг бирида ўқишга жойлашган. Отаси ҳам ўғли билан бирга бўлган, у хаттотлик билан шуғулланган. Қалам учи воситасида келадиган даромад билан кун кечирганлар. Шеърятга ишқибоз бўлган Толиб адабий давраларда иштирок этган. Моддий қийинчиликлар натижасида қаландарлар тўдасига қўшилган— қаландарлик қилган. Бу ҳолни шоир ўз асарларида қайд этади. Чорасиз қолган шоир Бухорода, мавжуд бўлган қаландархонада ғарибона умр кечирган...

Толиб Толибий Бухорода амир Ҳайдар (1802-1826), амир Насрулло (1826-1860), амир Музаффар (1860-1885)лар ҳукмронлик қилган даврда ҳаёт кечирган. Бу давр меҳнаткаш халқ учун ғоятда хорлик ва хўрлик замони бўлган. Жафокаш халқ зодагонларга молу мулкани (қизини ҳам) бермаганида, ёки ҳақ гапни айтиб қўйганида сазойи қилинар, дарра ёки калтаклар зарбидан сўнгалари тўкилар ё жаллод ханжари кекир-

дагига суқилар эди. Бу ҳолни шоир Толибий шундай шарҳлайди:

Жаллоди жафо ханжарини манга қилиб тез,  
Жон кишварини бузмөк учун айлади ангез,  
Ҳар лаҳза боқиб жоним олурға қилади хез...

Еки:

Сайёди ажал дона билан домини қурди,  
Шамшери жафосин кўтариб бошима турди...

Нега шоир «Шамшери жафосин кўтариб бошима турди» деб фарёд чекибди?! Чунки бу давр ҳар қандай прогрессив интилишлар таҳқиқланган, эркин фикрли кишилар тилини кесишга жаллодлару—жаллодхоналар вужудга келтирилган, уларни «шамшер» қайраб туришга мажбур этган замон эди. Натижада ҳоким синф вакиллари ваҳимасидан Мужрим Обид, Муштоқ, Қошиф, Ҳозик, Олим Девона, Жонмуҳаммад Жоний каби шоирлар Бухорода ижодий иш билан шуғуллана олмай, ўлкадан ўлкага пуштипаноҳ қидириб, сарсон-саргардон бўлиб юрар эдилар. Ҳозик ва Жонмуҳаммад Жоний кабилар ҳақ сўзни айтганликлари учун бўғизландилар, кўплари ўзга юртларда ғариблар мозорида дафн этилди.

Шоир Толиб Толибий ҳам бу гирдобдан четда қолмади. Шу сабабдан шоир бу ҳолни такрор-такрор таъкидлаб:

Мани ҳешу таборим йўқ, дам урмоққа мадорим йўқ,  
Ғарибдурман мозорим йўқ, қўлимда ихтиёрим йўқ.



Ғарибдурман ватан қайда, чу ман зоғу заған қайда,  
Манго сайри чаман қайда, рафиқи яктан қайда,  
...Фароғат ичра тан қайда, ўлиб битсам кафан қайда...

деб фиғон қилади. Шоирнинг «Бемадору бемозору бе-  
ватану бечаману бекафан» ҳолга тушиб қоляпман деб,  
фарёд уришида нима сабаб бор эди! Юрагига дард  
санчилган одам, дард изтиробида такрор-такрор, нола  
қилганидек, Толиб Толибий ҳам она-Ватанини «бежо-  
лар» олганлиги, «кўру гумроҳлар» давдат эгаси бўлиб,  
халқни талаётганлиги, ўз ватани бағрида бўлса-да, бу  
ватан унга бегона бўлиб, «беватан, бекафан» бўлиб қо-  
лаётганлиги, инон-ихтиёрини олдириб қўйганлиги, бу  
мусибат натижасида «юрак доғли, кўзи пурнам, бу  
ғамдин қадди хам» бўлаётганлигини ўрганиб ёзади:

Тушиб бошимга савдолар, олиб оламни бежолар,  
Солиб халқ ичра ғавғолар, бу неча кўру гумроҳлар,

Яна:

Каж ўргилиб айлар мани дилхастани ношод,  
Ман чархи фалак гардишидан доим ишим дод,  
Ҳаловат кўрмадим бир дам, замоне бўлмадим беғам,  
Рафиқим, мунисим мотам, аламларга бўлиб ҳамдам,  
Юрак доғли, кўзим пур нам, бу ғамдин бўлди қаддим хам.

Қаранг:—булар дил шеърими, ё ғам селими?! Мана  
шундай ҳасрат, надоматлар билан азиз умри ўтиб ке-  
таётганлиги сабабли «ман чархи фалак гардишидан до-  
им ишим дод» деб шоир етти фалакни ларзага келти-  
ряпти:

Ман ғамзадани айламади қайғудан озод,  
Афсусу дариг умрки охи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Маълумки, поэзияда, ҳар қандай воқеа-ҳодиса, ҳар қандай гоя ўзининг киши қалбида уйғотган акс садоси фониде берилади. Улуғ рус революцион демократи Н. Г. Чернышевский бу ҳақда шундай айтган эди: «...Агар кишининг ақли мушоҳада қилиб олган таассуротлар туфайли жуда ҳаяжонга келган бўлса, санъаткорлик таланти бўлса, у ҳолда унинг асарларида, онгли ёки онгсиз суратда, уни қизиқтирган ҳодисалар ҳақида, унинг замондошларини ҳам қизиқтирган ҳодисалар ҳақида (чунки фикр қилувчи киши ўзидан бошқа ҳеч кимни қизиқтирмайдиган, арзимаган масалалар устида ўйлаши мумкин эмас) жонли ҳукм чиқаришга интилиши ифода қилинган бўлади, фикр қилувчи кишига ҳаётдан келиб чиқадиган масалалар ўртага қўйилади, ёки ҳал қилинади, унинг асарлари, чунончи ҳаёт ўртага қўйган мавзуларда ёзилган асарлар бўлади»<sup>1</sup>

Юқоридаги фикрни Толибий асарларига мезон қилганимизда, шоирнинг матлаби, шеърларидаги жонсўз мисралар мазмуни янада ойдинлашади, қиммати яна ошади.

Толибий ҳам «ҳаётдан келиб чиқадиган масалаларни ўртага қўяр экан, «нангу навони ташлаб» дарвишлик хирқаси «кулоҳу жанда»ни кийиши, гадойлик, қалаң-

---

<sup>1</sup> Н. Г. Чернышевский. Санъатнинг воқеликка эстетик муносабат. Танланган танқидий мақолалар, Т. 1956, 407-бет.

дарлик қилишга мажбур бўлишининг асосий сабаблари ўз-ўзидан ойдинлашади:

Наангу навои ташлаб, кийсам кулоҳу жанда,  
Бўлмас бу иш муяссар осойиши ватанда,  
Меҳнат камола етмай, роҳат нишони қайда,  
Топмас илөжи корин бечора осий банда.  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

ёки:

Ҳар дамда минг хаёле, ҳар лаҳза фикри дигар,  
Гоҳе замона шоқи гоҳе бўлиб қаландар,  
Дунё ўзига тортди, гоҳе кашокаш айлар,  
То топмасам омон йўқ бир раҳнамои дигар.  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Адабиёт тарихидан маълумки, Мужрим Обид ҳам қаландарликка даъват қилинган эди. У шеър ёзиб Бухоронинг ҳоқимига ўз ночор аҳволидан хабар етказганида, амир унга шоирликни ташлаб, қаландарлик қилиб, умр ўтказишни маслаҳат берган экан. Шунда Мужрим Обид:

Замона ҳар кима бир тарз рўзгор қилур,  
Бировни восили давлат, бировни ҳор қилур<sup>1</sup>.

деган экан. Толиб Толибий ҳам кўпчилик эл қатори хор бўлганларнинг бириси эди. Шоир нима учун қаландар бўлишга майл қилганлигини қуйидагича баён этади:

---

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти, 4 томлик, 3 том, ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1959 й, 633-бет.

Сарви ниҳоли умрим қайрилди бори ғамдин,  
Ўрди ҳазон шамоли, тўлдим басе аламдин,  
Минг пора бўлди кўнглим кўп ханжари ситамдин.

Яна:

Кўп тангу тийра бўлди дунёда зиндагоним;

Етти фалакдин ўтди, фарёд ила фиғоним,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Хазон шамоли умрнинг ниҳолини сарғайтирганлиги,  
бунинг натижасида тирикчилиги кўп тангу тийра бўл-  
ганлигини шоир қуйидагича ёзади:

Қаландарлик ҳавас қилдим, ўзимни дар қафас қилдим,  
Бақадри хору хас қилдим, тилимни сўзламас қилдим.

Неча ҳифзи нафас қилдим, садоҳон жарас қилдим,

Хирад ақлимни паст қилдим, бу даъволарни бас қилдим,  
Қизил гулдек юзим ғамдин сўлиб чун қаҳрабо бўлди.

Кўрибман мунча меҳнатлар, чекибси ранжу заҳматлар,  
Қилурман яхши ниятлар, ҳамиша элга шафқатлар,

Валекин мункир улфатлар, қилурлар неча тухматлар,

Етар элдин бу кулфатлар, жаҳонга тўлди зулматлар,  
Касофат бўлди голиб, эл гирифтори бало бўлди.

Мана, касофатлар голиб бўлиб, эл гирифтори бало бўлаётган ғала-ғовур бир давр. Кимларнингдир дили қон, кимлар сурмоқда даврон. Кимдир бўғизланган, кимдир дарвишликни ўзига авло кўрган. Бу феодализм тузумига хос бўлган, унинг башарасини кўрсатиб турган белгилардир. Амиру амирзодалар маишатда... Шоирнинг тожик тилида яратилган қуйидаги байтларида ҳам бу ҳолни яққол кўришимиз мумкин:

Зблимон дар бадкории худ ашанд сурур.  
Мезананду мебаранду микунанд завқу сурур...

Мазмуни: «Золимлар ёмон қилғиликлар фикру хаёли билан мағрурланиб; урадилар, оладилар (талайдилар) сўнгра завқу сурур, айшу ишрат билан шуғулланадилар».

Лекин шоир Толби Толибий фақатгина оху нола чекиш билан кифояланиб қолмади. Гарчи ноилож, чорасиз бўлган бўлса ҳам беҳудлик, осудалик, яхши ва бахтли ҳаёт кўриш йўлларини ҳам излай бошлади. У ўзича: «Агар шоҳ адолат йўлини тутса-ю, ғанилар саховатли бўлса, нақўлар шарофат этсалар, одамлар ўртасида яхшилик уруғи кўкариб чиқса, яъни ҳамма ишлар тартибли ёки фаровонликка қаратилган бўлса, эл ҳам яхши, ҳам бахтли турмуш кечиришга муяссар бўла олади, деган хулосага келади:

Маломатдин саломатдур, ҳар ишдин бир аломатдур,  
Шаҳаншоҳдин адолатдур, машойихдин ҳидоятдур,  
Фақирлардин қаноатдур, ғанилардин саховатдур,  
Нақўлардин шафоатдур, бу эл соҳиб саодатдур,  
Мунингдек иш батартиб бўлса—элдин жо-бажо бўлди.

Шоирнинг орзуси—ўша замон меҳнаткашларининг орзуси эди. Аммо шоир яшаган даврда «Эл соҳиб-саодат бўлиб, батартиб, жо-бажо, тинч осойишта ва бахтли ҳаёт кечира олиши мумкин эмас эди. Чунки шоҳлар халқнинг осойишталигини эмас, зулм кишанларини мустаҳкамлаш, эксплуатацияни кучайтириш, халқни қоронғуликда сақлаш ва натижада хазинани тўлдириб, машаққатда яшашни ўйлар эди. Бунинг учун амирлар бутун

чораларни ишга солар, меҳнаткаш халқни зулматда сақлашнинг қудратли қуроли ҳисобланган—динни янада мустаҳкамлашга тиришар эди. Демак, шоир феодал тузумининг социал моҳиятини, ундан қутулиш йўлини била олмади. Шунинг учун тенгсизлик, адолатсизлик ҳукмрон бўлиб турган бир шароитда шоҳни адолату инсофга даъват этишдан ўзга йўл изламади. Лекин, бундан ортиғига шоирда имкон ҳам йўқ эди. Шундан у қўйидаги хулосага келди: «Адолату инсоф» яхши, фаровон жамиятнинг асосий мезонидир. Шоир бу тўғрида шундай ёзади:

Такаббур аҳли юролмас раҳи тавозеъга,  
Тавозеъ айламай бўлмагай замиринг соф.  
Бу йўлда шоҳу гадо барчаси баровардур.  
Чи хўжазодаю чи банда, чунончи ҳар асноф.  
Валекин илми амал фарқдур халойиқдин,  
Ҳаммадин ортиқ илмдур АДОЛАТУ ИНСОФ.

\* \* \*

Шоир Толиб Толибий «Мураттабнома»ни тартиб беришда анча санъаткорлигини намойиш этган. У «Алиф»дан «ё» ҳарфигача\* (арабча 28 ҳарфнинг ҳаммасига) «Ғазали якум «Алиф», (биринчи ғазал «Алиф»), «Ғазали дуҷум баҳри «б» (иккинчи ғазал «б» баҳрида), «Ғазали саҷум баҳри «т» (учинчи ғазал «т» баҳрида) деб 28 ҳарфга ғазаллар битар экан, мисрани қайси ҳарф билан бошласа, қофия сўнгини ҳам шу ҳарф билан тугатишга эътибор берган. Бу ҳақда шоир ёзади:

Энди айтай фасли аввални эшит,  
Бул «Мураттаб» гул ғазалдур, эй йигит.

Бир кам ўттиз сони, они, эй фано,  
Ҳар бири беш хат саро-по, жо-бажо.  
Аз «алиф» то «ё» тамоми сарфдур,  
Бош-оёқ ҳар бир ғазал бир ҳарфдур.  
Яъни аввал, охири ҳар бир ғазал,  
Аз «алиф» то «ё» тамом ўлгай ўшал.  
Аксари панду насихатдур бажо,  
Баъзи ондиндур муножоту наво.  
Таснифи Толиб «Мураттабнома» хўб,  
Иўқла Толибни дуода хўб ўқуб.

Шундан кейин алфавит тартибида ғазаллар берилган.  
Масалан, «Ғазали чаҳорум баҳри «с» (тўртинчи ғазал  
«с» баҳрида):

Самарсиз ўтса бу умринг бўлур тамоми абас,  
Ишингнї пухта қил акнун ҳар ишнинг хоми абас.  
...Бу йўлда ғафлат аро қолма бир дам, эй Толиб,  
Ки ғафлат ишида қолганларнинг субҳу шоми абас.

Яна: Йигирма иккинчи ғазал «к» баҳрида:

Келса қўлдин ҳар кими аҳдин вафо қилмоқ керак,  
Сидқ ила оинаи дилини сафо қилмоқ керак.

Бу ғазалларнинг шоир айтганидай «аксари панду на-  
сихатдур». Лекин айрим ғазалларида «турмушни ғур-  
бат кўчаси»га айланганлигини, «ҳамдами оҳу фиғону  
улфати дарду алам» эканлигини, булар етмаганидек  
«ғам тоғи» бошига тушганлигини, «роҳи нажот» излаб  
югургани-ю, лекинда, «чархи фалакдин зулму ситам»  
кўрганлигини айтади. Чунки замона шундай носоз ҳо-  
латда қурилганки, «тухми вафо»ни эккан кишилар не-

гадир «жабр-жафо» ҳосилини йиғиштириб олишга маж-  
бур бўлаётир... Шоир «Ғазали бисту саюм, баҳри  
«**мим** (22-ғазал «**мим**» баҳри) да ёзади:

Ман бу гурбат кўчасида қай кун қўйдим қадам,  
Ҳамдамим оҳу фиғондур, улфатим дарду алам.  
Бўлмади беҳбуд ишим, кун-кундин ортиб қоҳишим,  
Кўкка етди нолишим, бошимга тушди кўҳи ғам.  
Ҳар тарфга юз ўғирдим, топмадим роҳи нажот.  
Гардиши чарҳи фалакдин кўрмишам зулму ситам.  
Экмишам тухми вафою, олмишам жабру жафо,  
Тортмишим бори маломат, қоматимни қилди хам.  
Толибий бечора айтур зор йиғлаб ҳар замон,  
Толеимнинг пастлигинин қон ютарман дам-бадам.

Шундай қилиб, ҳамма баҳрларда ғазаллар айтиб  
бўлгандан кейин иккинчи даврда шоир бу баҳрларда  
мусамматлар битади. Шулардан бири: «Баҳри кофи  
аввал шикоят аз фалак бувад» (Кофи аввал баҳрида  
фалакдан шикоят) деб номланган мухаммасидир.

Маълумки, фалак, даврон, дунё сўзлари абстракт тушун-  
чага эга. Классик поэзиямиздаги ижодкорлар ва уларнинг  
давомчилари бу тушунчалар орқали жуда кўп ҳолларда  
маълум бир мақсадни кўзлаганлар. Замондаги зулмга,  
фисқу фасодга, ҳаромхўрликка, шайх-зоҳидларнинг ўз  
манфаатлари йўлидаги барча кирдикорларига қарши  
норозилик кайфиятида бўлган шоир фалакка қарши  
ўлароқ, қилган нидоларида исёнкор фикрларини теран-  
лаштиришга ҳаракат қилади. Фалак—бу феодал жами-  
яти, тузуми ва унинг қонун-қондалари, мамлакатни  
идора этиб турган ҳокимларга ишора. Шунинг учун  
ҳам Толиб Толибийнинг бу борада яратган байтларида



айтилган фикрлар мамлакатнинг ҳукмдорларига қарата айтилган, феодал жамиятнинг ички тартиб-қоидаларини қораланган, деб тушуниш мақсадга мувофиқдир. Толиб Толибийнинг «фалак» радиопли 105 мисрадан иборат мухаммаси мана шу ғоядаги энг етук ижод намуналаридан ҳисобланади. Муҳаммасдан парчалар келтирамиз:

Эй дило, ман хастанн соҳиб наво қилди фалак,  
Ҳосилимни куйдуриб, боди ҳаво қилди фалак,  
Дарди меҳнатлар элнеда мубтало қилди фалак,  
Минг ситам айлаб гирифтори бало қилди фалак,  
Куйдириб хокистаримни зери по қилди фалак.

Жоҳили бедодгарларга бериб завқу сурур,  
Пайрави нафси ҳаво бирлан қилур кибру ғурур,  
Гардиши чархи фалак доим ҳимоят еткурур,  
Жабридин қўрқиб халойиқлар хушомадлар қилур,  
Неча кори нораволарни раво қилди фалак.

Заррае бечораларни(нг) ҳолига раҳм этмади,  
Осиёнинг тошидек фарқи саримдан кетмади,  
Оҳу фарёду фиғони хасталарга етмади,  
Ҳеч кишига дарду меҳнат бобини тарк этмади,  
Барчани доми балога мубтало қилди фалак.

Лойиқи ҳолим бу эрмас эрди бўлдим хору зор,  
Сувдин айрилган балиқдек тоқатим йўқ, беқарор.  
Эътиборим қолмади, кетди қўлимдин ихтиёр,  
Ул сабабдин бўлмади бахту саодат манга ёр,  
Ингламай, найлайки бахтимни қаро қилди фалак.

Кўриниб турибдики, шоир аламдийдалар фиғон-ҳасратини баён қилаётганида, «заррае бечораларнинг ҳолига

## 2. Толиб Толибий

рахм этмади»,—деб улар ҳолига ачиниш изҳор этса, «Жоҳили бедодгарларга ҳимоя еткураётган» фалакни қоралаётир. Ночорлик дастидан «жабридин қўрқиб халойиқлар хушомадлар қилур» деб сарой аристократларига тил тегизяпти ва уларни қоралаяпти. Мана шундай замон ва заминда умр кечириб турганлиги учун «лойиқи ҳолим бу эрмас эрди бўлдим хору зор, ул сабабдин бўлмади бахту саодат менга ёр»,—дейди. Агар замона носоз одамлар қўлида бўлмаганида «фалак каж ўргулмаганида», шоир ҳаётдан бахтини топишга мурасар бўларди. Булар эса давр учун айбномадир.

\* \* \*

Толиб Толибийнинг девонидаги 4747 мисрадан 4215 мисраси мусамматлар ҳисобланади. Девондаги мусамматлар шоир Толибийнинг катта талант эгаси эканлигини намойиш қилиш билан бирга, унинг бу жанрда энг кўп ижод қилганлигини ҳам кўрсатиб турибди. Буларнинг барчаси «таъби худ» ёки мустақил мусамматлардир. Мустақил мусамматларнинг барча мисралари бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бундай шеърлар учун бошқа шоир ёки шу шоирнинг ўзи томонидан илгари яратилган ғазал асослик вазифасини ўтмайди.

Ўзбек классик ёзма адабиётимизда ҳозирги маънодаги тўла шаклланган мусамматлар: мураббаъ, мухаммас, тахмис, мусаддас, мусаббаънинг биринчи намуналари буюк талант соҳиби Алишер Навоий томонидан яратилган эди. Навоийдан кейин мусаммат санъати катта шуҳрат топди ва бу жанрда ижод қилмаган бирор шоир қолмади. Айниқса, Машраб, Ога-

ҳий, Фурқат, Муқимий, Завқий каби прогрессив адабиётимиз намояндалари мусамматларнинг энг яхши ва гўзал намуналарини яратдилар, унинг тараққиёти ва турларининг кўпайиши учун катта хизмат қилдилар. Толиб Толибий мусамматлари ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир. Айниқса, мусажжаъ санъати билан ёзилган унинг мухаммаслари мазмундорлиги, равонлиги эмоциясининг кучлилиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Бир вақтлар халқ қўшиқларида, мақол ва маталларида, шунингдек дoston ва эртақларда уларнинг мусиқийлиги ва равонлигини таъминлаш учун сажъ усули қўлланилган. Натижада мисраларнинг жарангдорлиги, таъсирчанлиги ва бадийлиги ошган.

Сажъ ўрта ва яқин Шарқ халқлари прозаси учун хос усул ҳисобланган. У бошқа тасвирий приём ва бадий санъатлар каби автор фикрини кучлироқ бериш учун хизмат қилган. Шунинг учун ҳам сажъни қофияли наср деб аташади.<sup>1</sup> Бу усул ўзбек шоирларидан Рабғузӣ, Навоӣ, Бобир, Гулханий, Нишотӣ ва булардан кейинги сўз санъаткорлари ижодида—уларнинг прозасида тез-тез учраб туради.

«Андоғки, асолат гулистонининг шажараси ва нажобат бўстонининг самараси, мураббиул масокин ва умдатус-салотин сайид Муҳаммад Умар баҳодирхон, Наввароллоҳу висол масканида кўмакдошим ва иттиҳод саририда ҳамфирошим эрди ва ул ҳазрат мусоҳабатидин

1 а) Х. К. Баранов. «Арабско-русский словарь», М. 1964, стр. 485.

б) Р. Мусулмонкулов. «Сажъ и его историческое развитие в таджикской прозе», автореферат канд. дисс., Душанбе, 1966, стр. 18-20.

муддати мураффаҳу ҳол ва ҳаводис иштиғолидан **фориғуббол** эрдим.»<sup>1</sup> (ишрақдаги сажълар тағини биз чиздик).

Мана шу тарзда ғазали мусажжаъ ва мусаммати мусажжаъ кўртақ одди ва тараққий этди. Лутфий, Навоий, Бобир, Машраб, Мунис, Нодири, Увайсий, Муқимий, Фурқат каби шоирлар ғазалиётларида бундай шеърлар анчагина.

Ғазалнинг бу турри учун шоирда катта маҳорат, ҳам сўз бойлиги бўлиши лозим. Чунки у асосий қофиядан ташқари ички—мусажжаъ қофияси бўлишини ҳам талаб қилади. Шунинг учун бундай ғазаллар шоир маҳорати камолатга эришган пайтларда кўпроқ яратилган. Шу нуқтаи назардан қараганда Навоийнинг ғазали мусажжаълари шоирнинг ўрта яшарли ва қарилик йилларида кўпроқ яратилганлигини кўриш мумкин:

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?  
Кўнглима ҳар бирининг дарду балосинму дейин?  
Кўзи қаҳринму дейин, киприги заҳринму дейин?  
Бу кудурат ора рухсори сафосинму дейин...  
Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эт,  
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?.

Ғазали мусажжаъ ёки мусаммати мусажжаъ XVIII асрнинг охири ва XIX асрда, айниқса, тараққий қилди. Чунки бу даврга келиб поэзияда янги приёмлар, янги

---

1 Нодири. Девон, икки жилдлик, биринчи жилд, Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1968 й., 27-бет.

2Ўзбек адабиёти, 4 томлик, 2 том, ЎзССР ДБАН, Тошкент, 1959 й., 68-бет.

бадий тасвирлаш воситалари ахтариш учун интилиш кучайди. Бу ҳолни Толиб Толибийнинг ижодиётида ҳам ёрқин кўра оламиз. Унинг мусамматларининг кўпчилиги мусажжаъ приёми асосида яратилган:

Харидори жамолингман, талабгори ҳисолнингман,  
Гирифтори хаёлингман, ҳамиша дилкашолдингман,  
Асири қилу қолдингман, хумори лаъли болдингман,  
Адон хату холингман, ўшал синган сафолдингман,  
Хуруж айлаб хуморингдан дилу жоним фидо бўлди.

Мусажжаъ формасидаги бу мухаммас равонлиги, ўй-ноқилиги, дилкашлиги, мусиқийлиги билан тингловчида ширин кайфият уйғотади, унинг қалбини оҳанрабодек ўзига тортади.

\* \* \*

Толиб Толибий ижодининг анчагина қисмини ахлоқ ва одоб мавзуидаги асарлар ташкил этади. Қатта ҳаётий тажрибага эга бўлган шоир, умрининг охирларида «Мураттабнома» тузган. Бу китоби орқали бизгача етиб келган кўпгина шеърларида тарбия мавзуи алоҳида ўринни тутади.

Одоб ва тарбия масаласи узоқ тарихга эга. XI асрнинг буюк филолог олими Маҳмуд Ибн Ҳусайн Маҳмуд Қашғарий ўзининг «Девони луғотит турк» номли классик асарида қадимий уруғ қабилалар орасида ахлоқ ва тарбия ишларига жиддий эътибор берилганлигини эътироф этади.

Адабиёт тарихидан маълумки, инсоният ҳусни ҳисобланган бу мавзу шоирларни ҳам қадимги даврлардан бошлаб қизиқтира бошлаган. Улуғ Алишер Навоий ўзи-

нинг «Хамса», «Маҳбубул-қулуб», «Хазойин-ул-маоний», «Назм-ул-жавоҳир», «Лисон-ут-тайр» ва бошқа қатор асарларида ахлоқ, тарбияга доир масалаларга кенг ўрин берган. Унинг шу маънода яратган ғазал, матал, афоризмлари бундан қарийб беш ярим аср олдин яратилганига қарамай, бугунимиз учун катта маърифий ва тарбиявий қимматга эгадир. Чунончи:

«Агар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,  
Кўрар ҳар неким, зоҳир этди ҳамон».

«Дилингдан йироқ тутмагил ҳушни.  
Ки юзланмагай' ҳардам офат сенга».

«Агар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,  
Анга буғдой ўрмоқни имкони йўқ».

Дарҳақиқат, инсон маънавий гўзаллигининг мезони, беғубор руҳий дунёси, маданийлигини кўрсатувчи ахлоқ ва одоб масалалари қадимдан донишмандларни қизиқтириб келмоқда. Бизгача етиб келган адабиёт ёдгорликлари таркибида олмос сингари товланиб, бебаҳо гавҳардек жилоланиб турган бу фалсафа ва ҳикмат инжулари ниҳоят қадрлидир. Шарқ халқларининг устоз ва мутафаккир шоирлари Рудакий, Умар Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Паҳлавон Маҳмуд, Жомий, Навоий, Фузулий, Бедил, Махтумқули, Фурқат, Муқимий, Бердақ, Абай ва бошқалар бу мавзуга доир бой ва қимматли фикрлар баён қилганлар. Чуқур фалсафий, таълимий, ахлоқий заминга эга бўлган бу гавҳар фикрлар ўз даврида катта тарбиявий аҳамият касб этганидек, ҳозирги даврда ҳам юксак қимматга эгадир.

Чуқур фалсафий, ахлоқий ва таълимий кучга эга бўлган бундай ғоялар шоир Толиб Толибий ижодидан ҳам муносиб ўрин олган. Мисол:

Хулқи хушни пеша қил, халқ ичра беозор бўл,

ёки:

Машваратсиз, бетафаккур қилса ҳар иш ҳар киши,  
Ул кишининг оқибат бўлгай паришонлик иши.

Бу банд ўзбек халқининг: Уйламасдан қилинган ҳар иш, келтиради бошингга ташвиш,—мақолига ҳамоҳангдир.

Юқоридаги мисралар яхшигина ҳикматдан иборатдир. Бу эса шоирнинг чуқур ҳаётий тажрибага эга бўлган донишманд киши эканлигидан далолат беради. Бу мисраларда хуш-хулқ бўлиш, халққа эиён етказмаслик, ҳамда ҳар ишни ўйламасдан, маслаҳат қилмасдан ба-жармаслик, агар шундай қилинса, охири ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин, деган қимматли фикр илгари сурилган:

Самарсиз ўтса бу умринг, бўлур тамоми абас,  
Ишингни пухта қил акнун ҳар ишнинг хоми абас.

Яъни, юқоридаги байтда бир маротиба бериладиган азиз умрни «абас» беҳуда ўтказмаслик, инсон қилиши зарур бўлган ишларни амалга ошириши, беҳуда ишларга умрни харж этмаслик зарурлиги ўз ифодасини топган. Ҳаётий ҳақиқат асосида айтилган бу ғояларнинг баҳоси йўқдир.

Шоир Толибий ҳар ишни ихлос билан бажариш, бажармоқчи бўлган ишга жиддий киришиш кераклигини, инсон илму одоб баҳрининг ғаввоси бўлиши зарурлигини таъкидлаб шундай ёзади:

Эй дил амал қил доим баихлос,  
Парвонадай ур шавқ ичра раққос,  
Бўл илму одоб баҳрига ғаввос.

Ижодкорлар ҳамма замонларда ҳам кишиларни одоб ўрганиш, илм ҳунарга интилиш, ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, дўстларга садоқат, вафо, чин сўзли бўлиш, яхшиликка яхшилик қайтариш, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, ватанпарварлик, халқпарварлик, ҳушёр-этирак бўлишга даъват этдилар. Шу билан бирга Ватан ва халқ душманларига, золим ва маккорларга, ўғри ва риёкорларга нафрат каби энг олижаноб хислатларни улуғладилар ва ёш авлодни шу руҳда тарбия топишига жиддий ҳаракат қилдилар.

Шоир Толиб Толибий ижодида юқоридаги фикрларни тасдиқлайдиган барча хусусиятларни учратишимиз мумкин. Мана шулардан бири:

Хислати хуб ҳамадин, бас адаб ўрган зинҳор,  
Билимю ҳунари бўлган киши бўлмас хор,  
Баски фарзандига адаб ўргатсин у кибор.  
Йўқ эрур бехатару фозилтар ундан ҳеч кор.

«Хислати хуб, одоб ўрганишдир»,— дейди шоир. Билим, ҳунарли киши хорлик кўрмайди, шундай экан, кибор ғурурли—киборлар ҳам фарзандларига одоб ўрга-



тишлари керак, чунки бундан «бехатару фозилтар» нарса дунёда йўқ.

Фақат шу билан эмас, шоир жамиятда учраб турадиган «кизбу ғийбат, кин-кудурат, қаҳру ғазаб, зулм-корлик» каби қабиҳ, ношоиста» ишлар ширин турмушнинг маразиқ эканлигини ҳам қаламга олади:

Эй дило, бемарҳабо, беҳуда ақволи қабиҳ,  
Кизбу ғийбат, кин-кудурат барча ақволи қабиҳ,  
Қаҳру бозу қийнаю дерина жанжоли қабиҳ,  
Зулму туғён, журму исён жумла аъмоли қабиҳ,  
Онки ношоистаи нобоиста афъоли қабиҳ.

Толиб Толибий «норасолик, бемарҳаболик, бадсадолик, гумроҳлик» каби хислатли кишиларни қоралаган, ҳатто улар билан ҳамсуҳбат бўлмасликка, рози дил этмасликка даъват этган:

Эй ёронлар, норасолар бирла қилманг ихтилот,  
Мардуми бемарҳаболар бирла қилманг ихтилот.  
Ганда савти—бадсадолар бирла қилманг ихтилот,  
Гумраҳи бераҳнамолар бирла қилманг ихтилот,  
Йўл йитурган нобинолар бирла қилманг ихтилот.

Баъзи ҳолларда шоир «жаҳон мулкига мағрур бўлиб, ақлингни йитирма, гарчандеки ҳукмингда Бухорою Самарқанд бўлса ҳам, ҳар ишни тафаккур билан ба-жар»,—демоқда:

Ақлинг йитириб бўлма жаҳон мулкига мағрур,  
Ҳукмингда агар бўлса Бухорою Самарқанд.

Бу байтнинг остида яна иккинчи «пардапеч» фикр турибди. Бухорою Самарқанддек катта территорияда ҳоким бўлиб олган манғит амирлари ҳаддан ташқари мағрурланиб кетиб, бошқа хонликларни ҳам ўзларига тобе қилиб олишга, «жаҳон мулкининг ягона шоҳи» бўлишига тиришиб, уруш-жанжалларни кўпайтириб, халқни хонавайрон, мамлакатни харобага айлантиришга сабабчи бўлганлар. Бу вайрончиликлар шоир таъкидлаганидек, уларнинг очкўзлиги—«Ақлини йитириб, жаҳон мулкига мағрур» бўлиши натижасида содир бўлган...

Шоир Мулло Боймуҳаммад ўғли Толиб Толибийнинг теран фалсафий, таълимий ва ахлоқий кучга эга бўлган, халқ орасида афоризмга айланиб кетган қўғидаги қатор мисралари ҳам эътибор ва таҳсинга лойиқдир:

Қилсанг ёмонлик, офат кўрарсан,  
Ҳар неки эксанг, қайтиб оларсан.

\* \* \*

Фаҳму фаросат ҳар кимда йўқдур.  
Бемаъни мардум яхдин совуқдур.

\* \* \*

Ақли расолаз йўлдан адашмас,  
Марди хирадманд ҳеч ҳаддан ошмас,  
Соҳиб фаросат ҳар ерда шошмас.

\* \* \*

Лоф урма зинҳор гар бандадурсан,

Қилсанг такаббур шармандадурсан,  
Ҳар гову хардан ҳам гандадурсан.

\* \* \*

Неку бадиндан бўлгин хабардор,  
Бўлгил даволат хублар билан ёр,  
Қоч аҳли шардин албатта зинҳор.

Шоир бу байтларда ахлоқ нормаларига хилоф равишда иш тутмаслик, ёмонлик қилган одам ёмонлик кўриши муқаррар эканлиги, фаҳму фаросат ҳар кимда бўлмаслиги, бемаъни одам муздан ҳам совуқ эканлигини таъкидлаб, одамларни яхшиликка ундапти. Шу билан бирга «Ақли расолик, марди хирадмандлик, соҳиб фаросатлик» каби фазилатлар инсоннинг зийнати эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Унинг ахлоқий—дидактик қарашларида шунга ўхшаш мавзулар—«лоф уриб такаббурлик қилувчи одам чин инсон эмаслиги, киши неку бадидан ҳамиша хабардор бўлиб юриши кераклиги, доим ҳушёр юриши» каби ғоялар илгари сурилади. Бундай фалсафий, фикрларни бугунги совет ёшлари орасида пропаганда қилиш, уларни пухта ўрганиш ва ўргатиш фойдадан холи эмас.

Толиб Толибий асарларида оқилона панд-насиҳат, сernур руҳий бойликни эгаллашга даъват этувчи кучли психология сезилиб туради. Фикримизга қуйида келтирилдиган байт яхши мисол бўла олади:

Эй дило, дониш талаб қил, келса қўлдан доимо,  
Донишу фазлу фаросат аҳли дилга кимё.

Қаранг: «доиш, фазл фаросат аҳли дилга кимиё!»  
Нақадар чуқур мазмунли фикр! Бундай гоёлар Толиб Толибийнинг халққа яқин салафлари ва прогрессив фикрли замондошлари анъаналарини чуқур фаҳм этиб, уларга содиқ қолиб қалам тебратганлигини кўрсатиб турибди.

Хуллас, Толиб Толибий ўзининг пурҳикмат байтларида ахлоқ-одоб каби асосий фазилатларни биринчи планга қўяди. Илм, ҳунар ўрганиш ва тарбия топишни инсоний фазилатлар деб билади ва уларни ўрганишга даъват этади. Инсонийлик шаънига тўғри келмайдиган хулқ-атвор, хатти-ҳаракатларни қоралайди. Шoirнинг пурҳикмат, насиҳатомуз, фалсафий мисралари бугунги кунда ҳам ўз қимматини сақламоқда. Бу ҳикматлар ёшларнинг онгини ўстиради, ўтмишнинг жирканч башарасига нафрат, фаровон ҳаётимизга ҳурмат ҳисларини янада оширади. Уларни одобли, тўғри, ростгўй, меҳнатсевар, ватанпарвар, мард, жасур, саботли ва матонатли бўлишга ўргатади, кишидаги энг яхши инсоний фазилатларни тарғиб этади. Бу ҳикматлари ҳақида шоирнинг ўзи ёзади:

Бу сўзлар шарҳи, дафтардур, тамоми дуру гавҳардур,  
Ҳама ёқути аҳмардур, жаҳон андин мунаввардур,  
Насими уди анбардур, димоғу дил муаттардур...

\* \* \*

Уқиган, ёд айлағай хурду калон,  
Барча бул сўздин топар завқу сурур,  
Жўш уриб жони дили айлар ҳузур.

Шоирнинг каттагина ҳажмга эга бўлган «Баёни таърифоти Бухоройи шариф бу турур» сарлавҳали асари ҳам «Мураттабнома»дан жой олган. Асарда Бухоро, Жондор, Ромитан, Вобкент, Гиждувон, Нурота, Ғазгон ва бошқа жойлардаги обидалар хусусида баён-изоҳлар берилади. Бу асар Бухоро тарихини ўрганиш учун ҳам фойдадан холи эмас:

Дейин акнун сифати хосиятин ман андак,  
 Кўп эрур мадраса бил ўзга шаҳардан бешак.  
 Қалъа дарвозаси ўн икки эрур бил як-як,  
 Яна ўн икки газн мардуми афзун азлак,  
 Балдаи фохирадур мулки Бухорон шариф.

Бу парчада мадрасаларни жуда кўплиги, қалъа ўн икки дарвозадан иборат эканлиги, Бухоро халқи юз минг кишидан зиёд эканлиги баён қилинган. Лекин асарда кўп «қадамжой»лар ҳам тилга олинган.

Демак, Боймуҳаммад ўғли Толиб Толибий ижодидаги тематик йўналиши, ғоявий-мотивларида «бори ғарони ғамдин қадди дуто» бўлиб, заррача бахт кўрмай, ўз давридан кўнгли совиб, унга нисбатан турли тактик йўллар билан норозилик изҳор этган шахс сифатида кўринса, иккинчи томондан у ўз даврининг катта доғишманд шоири сифатида гавдаланади. Учинчидан эса, жамият ҳаётини чулғаб олган зулм ва ҳақсизликни туб социал сабабларини тушуна олмай, турмуш ва актив ҳаракатдан баъзан қўл силтаб, умидсизлик гирдобиде айланиб қолади. Бундай вақтларда «илоҳий қуд-

рат»га сиғинади, «жаннат роҳатлари» билан ўзига-ўзи тасалли беради, наът, ҳамд ва бошқа шаклдаги расмий шеърлар ёзиб, сўфиёна фикрларни ҳам илгари суради.

Шоир Толибий ижодидаги бу хил фикрий чекланганлик, занфлик каби хусусиятларни танқид қиламиз. Лекин: «Жаллоди жафо ханжарини манга қилиб тез», «Ҳар лаҳза боқиб жоним олурга қилади хез», ёки «Шамшири жафосин кўтариб бошима турди»,—деб замонасидан изоҳ бериб турган шоирнинг бошқа не иложи бор эди. Ҳақ гапни айтганлари учун Бухоро Регистонида қанча-қанча бегуноҳ бошлар кесилди. Зиндон ва «обхона»ларда қанчадан-қанча одамлар танаси чириб кетди. Кимлар бўғизланди, кимлар осилди...

Демак, бунинг учун Толибнинг тилини боғлаб қўйган замон айблидир. Дин ҳоким идеология сифатида чуқур илдиз отиб, ҳаётда руҳий тушқунлик авж олган бўғиқ бир шароитда, юқоридаги камчилик, чекланганликларининг содир бўлиши табиий бир ҳол эди. Ижодкорларнинг асарларини диний фикрлар билан қориштиришлари диний хуружлардан сақланиш, «замона сенга боқмаса, сен замонага боқ» ҳикматига амал қилиш, дин ва шарият ҳомийларининг кўзига «ботини сўфинамо» қилиб кўрсатиш ва бошқа тактик мақсадлар билан ҳам изоҳланади.

«Олтин қум орасидан олинади»,—деганларидек Толиб Толибий асарлари асосий ғояларининг устун томонини, шубҳасиз, ўз даври учун ҳам, биз учун ҳам, ижобий аҳамият касб этувчи гуманистик фикрлар ташкил эта-

ди. Бу қимматли фикрлар XIX аср ўзбек адабиётини янада бойитишда муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Шоир китобни келажакка умид ва ишонч руҳи билан қуйидагича:

Юз ҳайфи гафлат бирла умримни(нг) тамоми,  
Толибни(нг) дариг ўтди, абас субҳ ила шоми,  
Кетди ўзи, қолди бу «МУРАТТАБ» била номи,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Гафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ. —

деб яқинлаганида ҳам ўзига хос бир ҳақиқат бор эди. Бу ҳақиқат унга насиб бўлмаган бўлса ҳам унинг авлодларига насиб бўлди. Ана шу ҳақиқатда яшаётганлар унинг номини ҳам абадийлаштирмоқдалар.

ТЕМУР НОРОВ  
*филология фанлари кандидати*

## МУРАТТАБНОМА

...Азбаройи яхшилар мандин нишон,  
Бир «МУРАТТАБНОМА» қилдим дурфишон.  
Барча(си) баҳри алифдин бўлди ҳал,  
Бир алиф ҳарфига беш хат бир ғазал.  
Бир кам ўттиз банд мухаммас, баъд аз он,  
Икки фасл ҳар баҳрига, эй нуктадон.  
Бир кам олтмиш фасл эрур баҳрул ҳаёт,  
Ул сабабдин бу «МУРАТТАБНОМА» от.  
Жумла олтмиш беш маротиб боб-боб,  
Турку тожик барчасин қилсанг ҳисоб.  
Охири баҳри тавил фасл ила гул,  
Хатм бўлди бу мураттаб, эй ўғул.  
То қиёмат халқ аро, эй номдор,  
Қолгуси мандин бу сўзлар ёдгор.  
Минг икки юз тўқсон олтида сана,  
Ибн Мулло Боймуҳаммад биргина,  
Бу «МУРАТТАБНОМА»ни қилдим тамом,  
Гулшани жон дилрабои ҳоси ом.  
Барча бул сўздин топар завқу сурур,  
Жўш уриб жони дили айлар ҳузур.  
Ўқиган, ёд айлагай хурду калон,  
Ҳам эшитганлар топар нури имон...



Ҳам амал қилган бўлур гарқоби нур,  
Раҳмат этгай неча ёраби ғафур.  
Бул мураттаб турфа файз осордур,  
Ҳар кишига сақламоқ даркордур.

\* \* \*

Энди айтай фасли аввални эшит,  
Бул «Мураттаб» гул ғазалдур, эй йигит.  
Бир кам ўттиз сони, они, эй фано,  
Ҳар бири беш хат саро-по, жобажо.  
Аз «алиф» то «ё» тамоми сарфдур,  
Бош-оёқ ҳар бир ғазал бир ҳарфдур.  
Яъни аввал, охири ҳар бир ғазал,  
Аз «алиф» то «ё» тамом ўлгай ўшал.  
Аксари панду насиҳатдур бажо,  
Баъзи ондиндур муножоту наво.  
Таснифи Толиб «МУРАТТАБНОМА» хўб,  
Йўқла Толибни дуода хўб ўқуб.

\* \* \*

Самарсиз ўтса бу умринг, бўлур тамоми абас,  
Ишингни пухта қил, акнун, ҳар ишнинг хоми абас.  
Суханвареки гапурса ҳадиси дунёдан,  
Эшитма, манфаати йўқ анинг қаломи абас.  
Баҳон банда бу йўлда ба қадри хизматдур,  
Қи хизмат айламаган хожани гуломи абас.  
Ҳамиша нафси сағи бадни аксига юргин,  
Емон йўлиқса алиқ олмай ўт саломи абас.

Бу йўлда гафлат аро қолма бир дам, эй Толиб  
Ки гафлат ишида қолганларнинг субҳу шоми абас.

\* \* \*

Риёзат бўстонида очилган тоза гуллар бор,  
Насими мурдаларга жон бағишлар турфа эй гулзор.  
Сафон дил бўлур ҳосил, ризои ҳақ бўлур мавжуд,  
Бақо дийдори гулзордин кўрарлар кўз очиб дийдор.  
Бу гулшанга қадам қўйган киши нафсини ўлдирсин,  
Вагарна баҳрабар бўлмас, эмас осон, эрур душвор.  
Келе Толиб талаб қилгин ҳамиша гавҳари мақсуд,  
Бу сўзда етмаган гафлатда қолди, бўлмади бедор.

\* \* \*

Замона мардумин ваъдасин вафоси оз,  
Вафосиз аҳли жафоларга бўлмагин дамсоз.  
Муқаддам ушлама дунёни кори уқбодин,  
Жамоат ичра ўзинг ҳозир айла вақти намоз.  
Ҳамиша келса қўлингдан хилофи нафс этгин,  
Ҳамма балога қолибдур бу нафсдин қишу ёз.  
Тут энди домани ҳимматни маҳкам, эй Толиб,  
Тааллуқоти жаҳондин ўзингин қил мумтоз.

\* \* \*

Зоеъ ўткарма азиз умринг фаниматдур ғараз,  
Ҳар нафас бир даври дарёи ҳақиқатдур ғараз.  
Шаш жиҳатдан бўлма гофил, кўз очиб оламга боқ,

Раҳбари роҳи сафо, пири тариқатдур ғараз.  
Қўйма зулматга қадам, то олмайин шамъи расул,  
Иўл юрарда барчага роҳи шариятдур ғараз.  
Ҳайфи одам ўғли билмас бир-бирининг қадрини,  
Ақрабо—ёру биродар қадрu қимматдур ғараз.  
Толибо қадрига етсанг, ҳар суҳан бир гавҳаре,  
Асли давлат—сўз эшитмоқлик насиҳатдур ғараз.

\* \* \*

Гофиле ғафлатда қолган мубтало бўлдим дариг,  
Ғарқи дарён ба гирдоби бало бўлдим дариг.  
Утди ғафлат бирла умрим, ҳосилим журму хато,  
Ман гирифтори бу дарди бедаво бўлдим дариг.  
Ҳолатим беҳад ёмондур, феълу атворим дариг,  
Толеим чун вожгун, бахти қаро бўлдим дариг,  
Шумлигим ҳаддан ошиб, оламга нуқсоним етиб,  
Етмасин деб, оҳ уриб соҳиб азо бўлдим дариг.  
Билмадим, эй Толибо, роҳи саломат қайсидур,  
Алғараз мундин бу оламдин фано бўлдим дариг.

\* \* \*

Фақр ганжи саодат, бу сўзга қилма хилоф,  
Хилофи нафсингга юрмай на деб урарсан лоф.  
Такаббур аҳли юролмас раҳи тавозеъга,  
Тавозеъ айламай бўлмагай замиринг соф.  
Бу йўлда шоҳу гадо барчаси баровардур,  
Чи хўжазодаю чи банда, чунончи ҳар асноф.

Валекин илми амал фарқдур халойиқдин,  
Ҳаммадин ортиқ илмдур адолату инсоф.

Кел эмди Толиби дилхаста фикри уқбо қил,  
Бу ғамда бўлса керакдур юрак шикоф-шикоф.

\* \* \*

Қосидо қасди балодур суҳбати аҳли нифоқ,  
Бўлма ғофил ҳар замоне, кўз очиб оламга боқ,

Фирқа-фирқа халқи олам ҳар сари жавлон этар,  
Баъзилар машғули мавло, баъзилар ҳақдин йироқ.

Баъзилар дунёга мағрур, баъзилар ғарқоби нур,  
Баъзилар ўздин ўтиб, дунёни қилдилар талоқ.

Толибо дўстлар учун бундай мураттаб айладим,  
Дурри маънидин бу сўзларни қилибон иштиқоқ.

\* \* \*

Келса қўлдин ҳар кими аҳдин вафо қилмоқ керак,  
Сидқ ила ойнаи дилни сафо қилмоқ керак.

Бандалик тил бирла бўлмас, сидқидил даркор эмиш,  
Тоату хайру саховат бериё қилмоқ керак.

Зебу зийнат хуб эмас, беҳудадур боди ҳавас,  
Азми роҳу тўшай дорул бақо қилмоқ керак.

Ҳар на рӯ берса қазодин қисматингга рози бўл,  
Фикри фосидни қўйиб шукри худо қилмоқ керак.

Толибо жондин кечиб, жоми муҳаббат нўш эт,  
Жон узиб, жонон учун минг жон фидо қилмоқ керак.

\* \* \*

Ман бу ғурбат кўчасига қай кунни қўйдим қадам,  
Ҳамдамим оҳу фиғондур, улфатим дарду алам.

Бўлмади беҳбуд ишим, кун-кундин ортиб қошим,  
Кўкка етди нолишим, бошимга тушди кўҳи ғам.

Ҳар тарафга юз ўгирдим, топмадим роҳи нажот,  
Гардиши чархи фалакдин кўрмишам зулму ситам.

Экмишам тухми вафою олмишам жабру жафо,  
Тортмишим бори маломат, қоматимни қилди хам.

Толибий бечора айтур зор йиғлаб ҳар замон,  
Толемнинг пастлигини қон ютарман дам-бадам.

\* \* \*

Нўш этиб жоми муҳаббат, излагин ганжи ниҳон,  
Не сабабдин чуғз этар вайроналарга ошиён.

Доимо ҳақ раҳмати нозил экан вайронага,  
Қайси вайрона дили вайрона эрмиш бегумон.

Ожизу афтода-ю, бечоралар ҳолига боқ,  
Келса қўлдин марҳаматлар қил аларга ҳар замон.

Толибо яхши амалдур охиратнинг тўшаси,  
Хайру эҳсонинг қиёмат бошингдадур соябон.

\* \* \*

Висолингни кўрай, Толиб, манингдек бенаво борму?  
Фироқинг даштида қолган гирифтори бало борму?

Халойиқдан иҳонатлар, тегиб санги маломатлар,  
Кўриб турлук аломатлар, чу ман бахти қаро борму?.

Манингдек хотири маҳзун, ҳамиша дийдаси пурхун,  
Фалакнинг гардиши ҳар кун бошига осие борму?

Қолибман сояи ғамда, ба зери кўҳи мотамда,  
Манингдек ушбу оламда балога мубтало борму?

Келе Толиб адо бўлдим, ёниб ўчдим, фано бўлдим,  
Нетай, бедасту по бўлдим, бу дардимга даво борму?!

\* \* \*

Эй дило, бемархабо, беҳуда ақволи қабиҳ,  
Кизбу ғийбат, кин-кудурат барча аҳволи қабиҳ.  
Қаҳру бозу кийнаю дерина жанжоли қабиҳ,  
Зулму тугён, журму исён жумла аъмоли қабиҳ,  
Онки ношоистаи нобоиста афъоли қабиҳ.

Ҳосили дунёни афв қил, бўлма ғофил эй амин,  
То эшит, ёдингда тут, айтай сенга тўртинчисин.  
Бил ёмондур ҳар киши берса ҳаромхўрга қизин.  
Ул кишини ҳақ қаро қилгай қиёматда юзин,  
Бил бу ношоистаи нобоиста афъоли қабиҳ.

Хонавайрон хасталарнинг тийрадур ёзу қиши,  
То эшит, ман айтайин бешламчисининг қилмиши.  
Машваратсиз, бетафаккур қилса ҳар иш ҳар киши,  
Ул кишининг оқибат бўлгай паришонлик иши,  
Онки ношоистаи нобоиста афъоли қабиҳ.

Даҳр аро яхши-ёмон феъли забун ҳар ерда бор,  
Олтиламчи феъли ноқис бул эрур эй шаҳри ёр.  
Мўйсафеди марди ё зан қилса ношоиста кор,  
Кўп ёмондур ушбу ишдин бўлгай ул беқадру хор,  
Ушбу ношоистаю нобоиста афъоли қабиҳ...

Зикри ҳақдин бўлма ғофил, келса қўлдин бир нафас:  
Еттиламчи феъли ноқис бул эрур эй булҳавас.  
Озу кўп ҳар ким билиб қуръон тиловат айламас,  
Ул киши фардо пушаймонлар қилур, суд айламас,  
Бил бу ношоистаю нобоиста афъоли қабиҳ.

Молу мулку зарга кўнгил берма, мағрур бўлмагин,  
Феъли ноқис бул йигирма икки эй соҳиб яқин,  
Бўлма ҳорис, бўлса ҳорис ҳар киши эй маҳжабин,  
Ул кишининг ҳосили боди ҳаводур эй амин,  
Бил бу ношоистаю нобоиста афъоли қабиҳ.

Тоби маънидин этиб, боғла тавозеъдин камар,  
Феъли ноқис бул йигирма учдир соҳиб самар.  
Айла парҳез ҳар киши қилса такаббур алҳазар,  
Барчага ҳирсу такаббурдин тегар доим зарар,  
Онки ношоистаю нобоиста афъоли қабиҳ.

Лола янғлик аҳли тақво яхшиларнинг бағри қон,  
Келса қўлдин қон ютиб, дониш талаб қил ҳар замон.  
Бўлма ғофил, бандалик осон эмас, эй нуктадон,  
Оқибат ҳар кимки парҳез этмади, бўлди ёмон,  
Онки ношоистаю нобоиста афъоли қабиҳ.

Йўл юр эй Толиб, жадал айлаб мақоми сайдига,  
Вақтинг ўтмай бор ишинг битгай талаб бозорига,  
Қилма таъхир, боқма бул дунёнинг кори-борига,  
Бўлса ақлинг, қоч бу фонидин бақо гулзорига,  
Онки ношоистаю нобоиста афъоли қабиҳ.





Эй дил ҳамиша оқил ҳақ амрини тутадир,  
Бир-бир жаҳондин ҳар ким навбат билан ўтадир.  
Ошиқ бу йўлда жондин жонон учун ўтадир,  
Лайли ғамида Мажнун хунобалар ютодур,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Бошимга тушди охир савдои васли дилдор,  
Доим елиб югурдим роҳи талабда бисёр,  
Суд этмади матоим дар вақти гарми бозор,  
Жонимдин ўтди охир жабри жафои ағёр,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Ҳасрат ютуб дамо-дам, бағрим бўлиб жароҳат,  
Фасли баҳори умрим нахлига етди офат,  
Дунё фанодур охир, бир кун бўлур қиёмат,  
Ўз ҳолига халойиқ бир кун қилур надомат,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Дилхастаман, ғарибни дардин давоси борму,  
Бемору зору мажруҳ ранжим шифоси борму,  
Шарҳи дилимни айтсам, ҳарчанд адоси борму,

Васли лиқои маҳбуб дил муддаоиси борму,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Зикри санои раҳмон жорий эмас тилимда,  
Фикри хаёли фосид ҳирсу ҳаво дилимда,  
Борони ғам азалдин оғиштадур гилимда,  
Андуху дарду кулфат тори мани белимда,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Рози бўлиб қазога, қилмай фиғону нола,  
Элдин қочиб ўзимни ҳаққа қилай ҳавола,  
Соқий тараҳҳум айлаб сунди манга пиёла,  
Май нўш этиб ман андин тушдим неча хаёла,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Сарви ниҳоли умрим қайрилди бори ғамдин,  
Урди хазон шамоли, тўлдим баче аламдин,  
Минг пора бўлди кўнглим кўп ханжари ситамдин,  
Доим наво қилурман, дармон тилаб эгамдин,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Сабру қаноат этмай, қолдим ёмон балога,  
Дунё сари югурдим, бормай раҳи ризога,  
Ҳирсу ҳавони хушлаб, осий бўлиб худога,  
Тақдири ҳаққа кўндим рози бўлиб қазога,  
Бори гарони ғамдин қаддим мағи дутодур.

Зоҳир бўлибди акнун элдин неча аломат,  
Халқ ичра кам қолибдур дил софии саломат,  
Инсофу адлу тавфиқ, ихлосу хайру тоат,

Иўқ сидқу шарму парҳез, воҳасрато надомат,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Фасли баҳорим ўтди, етди яқин хазоним,  
Ваҳми ўлимдин ҳардам титрайдир жисму жоним,  
Қўп тангу тийра бўлди дунёда зиндагоним,  
Етти фалакдин ўтди, фарёд ила фиғоним,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Қори жаҳон тамоми беҳуда бир абас бил,  
Дунё сари югурмак кирдори булҳавас бил,  
Қим онга ҳам гирифтор чун мурғи дар қафас бил,  
Ғавғои савти олам монандаи жарас бил,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Ман дарди ғам асири, доим бўлиб паришон,  
Топмай салоҳи корим, бўлдим ҳамиша ҳайрон,  
Навбат билан етишди гардиши жоми даврон,  
Ваҳми кетардин акнун бўлдим ажаб ҳаросон,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Нангу навони ташлаб кийсам кулоҳу жанда,  
Бўлмас бу иш муяссар осойиши ватанда,  
Меҳнат камола етмай, роҳат нишони қайда,  
Топмас иложи корин бечора осий банда,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Воҳасрато, дарифо эмди на иш этарман,  
Билмам борур еримни, охир қаён кетарман,

Бир пири раҳнамони топсам агар нетарман,  
Умиди шавқ айлаб домонини тутарман,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Ҳар дамда минг хаёле, ҳар лаҳза фикри дигар,  
Гоҳе замона шоҳе, гоҳе, бўлиб қаландар,  
Дунё ўзига тортди, гоҳе кашокаш айлар,  
То топмасам омон йўқ бир раҳнамои дигар,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Лозим бўлибтур акнун ман хаста дилга чун пир,  
Бир комили мукамал, шайхи замона дасгир,  
Андоқ улуғ азизки жонимни берсам арзир,  
Эй ҳодии ҳақиқат, йўл кўрсат аввал-охир,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

Ёраб, санго сиғиндим дармонда қилма ёраб,  
Толибни рўзи маҳшар шарманда қилма ёраб,  
Раҳм айла дар ду олам дармонда қилма ёраб,  
Мақсуд-муродга еткур армонда қилма ёраб,  
Бори гарони ғамдин қаддим мани дутодур.

## Баҳри форсии солис ва насиҳат ин аст

Эй биродар бош доим пайрави хайрул башар,  
Саъй кун, кӯшиш намо, парҳез кун аз шӯру шар,  
Рӯзу шаб доим талаб кун тӯшай роҳи сафар,  
Охиратро дӯст дор аз ҳирси дунё дар гузар,  
Баҳри ин фоний машав хотир парешон эй писар.

Банда мебоядки бошад дар раҳи сидқу савоб,  
Пайрави нафси ҳаво гарди агар ёби иқоб.  
Дар авомир саъй кун, соз аз навоҳи ижтиноб,  
Як сари мӯйе ту аз фармони ҳақ гардан матоб,  
То шави дар мулки тан аз нури имон баҳрабар.

Тавба кун, бас тоибонро дӯст медорад хабер,  
Гаштаанд аз тавба пок, аз маъсият жаъми касир,  
То бакай дар пайрави нафси ҳаво гарди асир,  
Зухду тақво тоату хайру саховат пеш гир,  
Аз гуноҳон тавба кун, шаб то саҳар бо чашми тар.

Сиқли борон қатъиманзил кай тавонад эй киром,  
Мерасанд осон ба сар манзил сабукборон тамом,  
Аҳли дунё ҳорисон монанди сайд афтанд ба дом,

Ҳузну андуҳ ҳаст қутти бандағони лояном,  
Ғам бувад ёри фараҳ, жўянда кони молу зар.

Зикри шукри ҳазрати ҳақро зи дил зоил мақун,  
Жони дил дар ишрати дунёи дун моил мақун.  
Тўшаи уқбо талаб кун, пешаи ботил мақун,  
Аз худо гофил машав, андешаи ботил мақун,  
Аз тавозеҳ сар фурӯ кун чун дарахти босамар.

Зухду тоат пешаи худ кун дар ин дори ғурур,  
Токи дар жаннат дарои андарин дори сурур,  
Лоиқи кирдори худ ёби жазо явми нишур,  
Некбахтонро муяссар мешавад ҳуру қусур,  
Онки бадбахт аст фардо жои ў бошад сақар.

Сўфии софи набоши, оқибат маҳмуд нест,  
Сидқу ихлосат бошад меҳнатад нобуд нест,  
Тоати садсолаи аҳли риёро суд нест,  
Гавҳари мақсуд осони туро мавжуд нест,  
То наёзи дар жаҳон аз моли жони худ гузар.

Золимон дар фикри бадкории худ доранд ғурур,  
Мекашанд аз остин дасти таъдиरो базӯр;  
Мезананду мебаранду мекунанд завқу сурур,  
Жоҳилон ғарқоби ғафлат, орифон ғарқоби нур,  
Ошиқон дар зикри жону гофилон дар фикри зар.

Обидон дар тоати парвардигоранд рӯзу шаб,  
Баҳри рафтайд' менамоянд тўшаи уқбо талаб,  
Олимон хонандаи, донандаи илму адаб.

Қобилон гўянда-ю, жўяндай аслу насаб,  
Аҳли дунё мурдадил бошад ба маъни кўру кар.

Мўмини покиза тийнат дар раҳи сидқу сафо,  
Одами нозик табиат донмо андар наво,  
Аҳли ғафлат, кунда таъбон дар паи нафсу ҳаво,  
Дарди ширкатро набошанд жуз мусулмони даво,  
Ширки як шукри ҳаво аз феъли нохуш дар гузар.

Носеҳон панду насиҳат медиҳанд бо мардумон,  
Қобилон дар гўш медоранд насиҳатро ба жон,  
Сомиъонро нафҳо бошад зи панди носеҳон,  
Лек бошад бенасиб ғафлат ба гўши ғофилон,  
Нашнаванд панду насиҳатро мисли гову хар.

Ҳар ки ояд дар жаҳон бошад ба роҳи кишту кор,  
Жумла саргардони кори мубталои рўзгор,  
Булҳавас-чун хору хас қадре надорад бешумор,  
Мажнуни саргаштаю саргардон, Лайли беқарор,  
Булбулон аз ишқи гул дар нола ҳар шому саҳар.

Лоиқи он бошадки ҳар шоҳу гадо баҳри худо,  
Дар ризои ҳазрати ў жону дилаш созад фидо,  
Ҳуш агар дори бикун худро зи дунё мосуво,  
То насозанд ошиқон дар роҳи маъшуқ жон фидо,  
Рўйи жонон аз кучо бошад муяссар жилвагар.

Як-як ин гуфторро аз оқили фарзона пурс,  
Шеваи бисёрро аз дилбари жонона пурс,  
Шавқи-завқи ёрро аз ошиқи девона пурс,  
Сирри ин асрорро аз Толибий парвона пурс,  
Ў чаро аз оташи сўзон намесозад ҳазар.

\* \* \*

Эй дил амал қил доим баиҳлос.  
Парвонадай ур шавқ ичра раққос,  
Бўл илму одоб баҳрига ғаввос,  
Қуллик нишони эй бандан хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Собит қадамлар, соҳиб саодат,  
Зикру худодин айлар ҳаловат,  
Хулқу тавозеҳ кони малоҳат,  
Қуллик нишони эй бандан хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Халқ ичра доим бўл барчадин кам,  
Айлаб тавозеъ, қил гарданинг хам,  
Ахтар дилингни шарҳига малҳам,  
Қуллик нишони эй бандан хос,  
Эҳсону, тоат, парҳезу ихлос.

Даҳр ичра доим дар мавсуми гул,  
Ҳар дам наво қил монанди булбул,  
Лайли ғамида Мажнунсифат бўл,



Қуллик нишони эй бандан хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Зикри худованд жон роҳатидур,  
Шайтони малъун сахт душмани зўр,  
Доим ҳазар қил, нафсингни ҳай ур,  
Қуллик нишони эй бандан хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Шукр эт худога доим ба ҳар ҳол,  
Ҳар ким насиҳат қилса қулоқ сол,  
Афтодаларни кўрсанг қўлин ол,  
Қуллик нишони эй бандан хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Соҳиб риёзат хубларнинг кори,  
Оҳу надомат, фарёду зори.  
Ҳар дам кўзидин селоба жорий,  
Қуллик нишони эй бандан хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Тўфони ҳодис ҳар дам ҳувайдо,  
Дарду балолар ҳар ерда пайдо,  
Ҳар кимнинг бордур бошида савдо,  
Қуллик нишони эй бандан хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Ақли расолар йўлдан адашмас,  
Марди хирадманд ҳеч ҳаддан ошмас,  
Соҳиб фаросат ҳар ерда шошмас,

Қуллик нишони эй бандаи хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Фаҳму фаросат ҳар кимда йўқдур,  
Ҳар соҳиб инсоф баҳоси йўқтур.  
Бемаъни мардум яҳдин совуқдур,  
Қуллик нишони эй бандаи хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Қилсанг ёмонлик офат кўрарсан,  
Ҳар неки эксанг, қайтиб оларсан,  
Беш кун жаҳонда давринг сурарсан,  
Қуллик нишони эй бандаи хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Мағрури дунё бемарҳабодур,  
Беҳуда ҳар сўз боди ҳаводур,  
Ҳар номуносиб иш нораводур,  
Қуллик нишони эй бандаи хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Неку бадингдан бўлгин хабардор,  
Бўлгил давомат хублар билан ёр,  
Қоч аҳли шардин албатта зинҳор  
Қуллик нишони эй бандаи хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

Лоф урма зинҳор гар бандадурсан,  
Қилсанг такаббур шармандадурсан,  
Ҳар гову хардан ҳам гандадурсан,  
Қуллик нишони эй бандаи хос,  
Эҳсону тоат, парҳезу ихлос.

\* \* \*

Эй ёронлар, норасолар бирла қилманг ихтилот,  
Мардуми бемарҳаболар бирла қилманг ихтилот,  
Ганда савти—бадсадолар бирла қилманг ихтилот,  
Гумраҳи бераҳнамолар бирла қилманг ихтилот,  
Йўл йитурган нобинолар бирла қилманг ихтилот.

Тавба-истиғфори зори кори бори муттақи,  
Донаи дунёга дил бермоқ камоли аҳмақи,  
Молу пул ҳирсига тушганлар азалдандир шақи,  
Хайру эҳсони боминнат бўлса йўқдур равнақи,  
Алҳазар, аҳли риёлар бирла қилманг ихтилот.

Ҳайфи умри одами яшнаб ўтар монанди барқ,  
Аҳли ғафлат гандалар баҳри жаҳолат ичра ғарқ,  
Айламас суду зиён, яхши-ёмон ишларни фарқ,  
Бўлғуси охир ёмонлар нори сўзон ичра ғарқ,  
Бетафаккур, беиболар бирла қилманг ихтилот.

Хулқи хушни пеша қил, халқ ирча беозор бўл,  
Тавба, зори қил саҳарлар, уйғониб бедор бўл.

Бўлма гофил дар фароғат доимо ҳушёр бўл,  
Юм кўзингни ғайри ҳақдин ошиқи дийдор бўл,  
Аҳли дунё бевафолар бирла қилманг ихтилот.

Зикри мавло қилмаган топмас бу душмандин омон,  
Нафси шайтон душманинг ҳар дам етар андин зиён,  
Аксига юрган давомат шояд андоқ раҳравон,  
Утгай ул дарвозай маргдин саломат, боимон,  
Қойили қавли хатолар бирла қилманг ихтилот.

Золи дунё ваъдасига бўлма ғўл эй марди хом,  
Жилвагар айлаб қилур юз кўрсатиб ўзига ром,  
Олдида бир нечаларни ул палиди бадҳиром,  
Қим кўнгул берди, қувонди, бўлди у дар банди дом,  
Аҳли ёлғон, беҳаёлар бирла қилманг ихтилот.

Тийнати покизалар соҳиб саодат некбахт,  
Бахту иқболи баланд, соҳиб ривожии тожу тахт,  
Мардуми оқил жаҳондин охиратга этди рахт,  
Банда бўлмоқ, зуҳду тоат айламоқ бисёр сахт,  
Санга лоғар мубталолар бирла қилманг ихтилот.

Ақли комил айламас раъйи табиатни қабул,  
Бил табиат дўзахи ҳоли шариат эй расул,  
Қим шариатсиз қадам қўйса, кетар дўзахга ул,  
Шаръи поки Мустафони ушла бузрук яхши қул,  
Мойили таъби ҳаволар бирла қилманг ихтилот.

Фарқ этолмас бепаросатлар зиёну судни,  
Гумраҳи бераҳнамо, топмас раҳи мақсудни,  
Беҳбудийни билмаганлар тонимас маъбудни,  
Масти лояққал'на билсин буд ила нобудни,  
Ҳарзағў, нокасхудолар бирла қилманг ихтилот.

Қўй қадам роҳи тариқатга жадал қил моҳу сол,  
Бир пири комилга қўл бер, баҳра ол аз илми ҳол,  
Қил зи аҳмоқи замима, барҳамида интиқол,  
Торт риёзат, токи топгайсан риёзи зулжалол,  
Ганда талъат баднамолар бирла қилманг ихтилот.

Майл қилма заррае дунёнинг мулку молига,  
Қолмагайсан то унинг қоҳишида жанжолига,  
Аҳли дунёлардин ол ибрат, назар қил ҳолига,  
Ҳирсу ҳосил, фикри фосид пур хато аъфолига,  
Тангу торик агниёлар бирла қилманг ихтилот.

Нўш этар мардоналар шаҳд ўрнига хуни жигар,  
Доимо машғули ҳақдур, айламас фикри дигар,  
Дийдан ибратни очган аҳли дил, соҳиб ҳунар,  
Жумлаи жоми жаҳон яхши ёмондин кўз юмар,  
Дийда аҳвал нобинолар бирла қилманг ихтилот.

Ҳодии роҳи тариқат еткурур манзилга зуд,  
Ҳиммати пири мукамал айлаюр корингни буд,  
Ақбалар кўпдур, ўтолмас ҳар киши аз пеши худ,

Берафиқу раҳнамодин йўлга киргандин на суд,  
Чун чароғи безмёлар бирла қилманг ихтилот.

Е илоҳи ҳодии барҳақ ўзинг ҳолимга боқ,  
Йўлга сол, фазлингга, ол, васлингга еткур эртароқ,  
Толиби дармонда дийдорингга доим иштиёқ,  
Бер шифон дармаҳал, ман хаста ранжури фиरोқ,  
Эй ёронлар, норасолар бирла қилманг ихтилот.

\* \* \*

Айтдилар юзминг туман ҳасратда қолдим водариг,  
Водийи гамга тушиб тухматда қолдим водариг,  
Дарду меҳнатлар билан кулфатда қолдим водариг,  
Умр ўтибди, билмадим, ҳасратда қолдим водариг,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариг.

Бўлмадим олам аро ман аз қатори яхшилар,  
Яхшиларнинг суҳбатидан бўлмадим ман баҳрабар,  
Ғафлат ичра чашми ибрат очмадим ман беҳабар,  
Умрим ўтди фикри еб-ичмоқ билан монанди хар,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариг.

Тутмадим амри худони жону дил бчлач мудом,  
Зое ўтди беҳабарлик бирла умрим субҳу шом,  
Фикри фосидлар билан қилган хаёлим барча хом,  
Зикри тоат манда йўқ, оламда корим нотамом,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариг.

Сулсу молимни тасаддуқ қилмадим дар роҳи ҳақ,  
Ҳақни севган яхшилардан олмадим ҳаргиз сабақ,  
Бошим уриб ҳар эшикка бўлмадим юрмоққа шақ,

Осиё бўлди бошимга доимо ҳафтум табақ,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариф.

Жону дил бирлан худонинг буйруғини қилмадим,  
Бехабарликда, эсиз, умрим ўтибдур билмадим,  
Ҳар замон қилган гунаҳларга надомат қилмадим,  
Тавбани журму хато жарҳига малҳам қилмадим,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариф.

Ҳасрату армон билан доим парешонман букун,  
Қайга борсам йўл топарман деб ҳаросонман букун,  
Йўл адошиб, чўлда қолдим турфа ҳайронман букун,  
Дийда гирён, бағри бирён зору нолонман букун,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариф.

Хотиримга келмади ғафлат аро ваҳми ўлум,  
Етмади ҳеч орзу домонига охир қўлим.  
Нафси шайтон садди роҳим бўлди, боғланди қўлим,  
Неку бадни билмадим ким қайсидур ўнгу сўлим,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариф.

Даҳр аро мандек ёмонлардек ёмон шарманда йўқ,  
Зарраи ихлосу тоат хайру эҳсон манда йўқ,  
Етти иқлим ичра мандек гандалардек ганда йўқ,  
Нафспарвар, кажназар оламда мандек банда йўқ,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариф.

Зикру тоат айламай кўп зулм қилдим жонима,  
Маъсият лойи ёпушти доимо домонима,  
Найлай охир етмадим ҳеч орзу-армонима,



Топмадим ҳаргиз даво бу дарди бедармонима,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариф.

Рост юрмай, эгри йўлга доимо қўйдим қадам,  
Маъсият лойига ботдим, қилмадим оҳу надам,  
Пои даргилмонда ҳардек тўлғанурман дам-бадам,  
Ман бу расволик билан умр ўтқариб бўлдим адам,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариф.

Зухду тақвони қўйиб, кажларга бўлдим ҳамнишин,  
Бўлдим андоқ пуршарар сарфитнаи рўйи замин,  
Йўл йитурган, нафси шайтон учради андар ямин,  
Домига тушдим нетай, бўлдим гирифтор эй амин,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариф.

Сони йўқ, журму хатоларни қилурман ҳар замон,  
Топмадим золим фалакнинг зулмидин бир дам амон,  
Нафсу шайтон йўлларига доимо бўлдим равон,  
Наф деб кўрдим зарар, ҳар қилмашимдан кўп зиён,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариф.

Шарбати бечораликни нўш этиб дам турмадим,  
Заҳри нўши хомуши сарпўши даврин сурмадим,  
Раҳнамолар, яхшилар бирлан давомад юрмадим,  
Ихтилот айлаб алар бирлан туриб ўлтирмадим,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариф.

Сабр этиб ранжу машаққатга риёзат айламай,  
Еб-ичиб ҳайвонсифат юрдим қаноат айламай,  
Бир даме андешаи ваҳми қиёмат айламай,

Баски мағрури ҳаво бўлдим надомат айламай,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариг.

Зое ўтқардим эсиз умрим айлаб маъсият,  
Ул сабабдин беркилибдур манда роҳи амният,  
Ҳар амални қўлга олдим, анга тушди қабзият,  
Сар калобамни йитурдим, топмадим ҳеч хайрият,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариг.

Турфа ноқобил ажаб, бахти қаро ҳолим забун,  
Пастдур иқболим манинг ҳам толеимдур вожгун,  
Сарнавишти қисматим рўзи азалдур манга чун,  
Йўлда қолдим, қўлтутарга топмадим бир раҳнамун,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариг.

Зоҳирим сўфинамою ботиним пур аз жафо,  
Барча афъолим риёдур, манда йўқ сидқу сафо,  
Қўп хилофи ваъда қилдим, қилмай аҳдимга вафо,  
Утди умрим ғафлат ичра дар пайи нафсу ҳаво,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариг.

Қилмадим олам аро ман ҳеч бир шоиста кор,  
Ул сабабдин топмадим бир ерда орому қарор,  
Рўзи равшан кўрмадим эл ичра бўлдим хору зор,  
Йиғладим бўлгайму деб, бахту саодат манга ёр,  
Ҳасрато, вовайлато, ғафлатда қолдим водариг.

Водийи ҳасратда ҳардам оҳу афғон этмадим,  
Гул юзимни сўлдуриб, оламни вайрон этмадим,  
Кўзларимни яхшилар ҳажрида гирён этмадим,

Ҳар хатою ўтган ишларга пушаймон этмадим,  
Ҳасрато, вовайлато, гафлатда қолдим водариф.

Ҳеч киши мандек жаҳонда зору саргардон эмас,  
Термулиб қайга борурга билмайин ҳайрон эмас,  
Сахт мушкул бандалик қилмоқ баса осон эмас,  
Хун баҳодур дин матонин қиммати арзон эмас,  
Ҳасрато, вовайлато, гафлатда қолдим водариф.

Лозим ўлди ман ғариби бенавога бул наво,  
Токи бўлгай бул наво шоядки иллатга даво,  
Айлаб ўтди яхшилар роҳи ризода жон фидо,  
Ҳайфи умрим деб, манн гафлат аро бўлдим адо,  
Ҳасрато, вовайлато, гафлатда қолдим водариф.

Йиғла эй Толиб, туман савдо тушибдур бошима,  
Бу фалак каж ўргулиб, оғу солибдур ошима,  
Келмади ҳолим сўраб ҳеч кимса бир дам қошима,  
Қўй қадамки эл бори ҳайрону лол бардошима,  
Ҳасрато, вовайлато, гафлатда қолдим водариф.

## Баҳри кофи аввал шикоят аз фалак бувад

Эй дило ман хастанӣ соҳиб наво қилди фалак,  
Ҳосилимни куйдурчб, боди ҳаво қилди фалак,  
Дарди меҳнатлар элинда мубтало қилди фалак,  
Минг ситам айлаб гирифтори бало қилди фалак,  
Куйдириб хокистаримни зерӣ по қилди фалак.

Боқмади мандек асиру мубталолар ҳолиға,  
Ҳеч тараҳҳум қилмади бечоралар аҳволиға,  
Тутмади ҳаргиз қулоғини нолаи ақволиға,  
Навҳа зори, ажзу хори ҳарна қилу қолиға,  
Доимо каж ўргулуб юз минг жафо қилди фалак.

Телба айлаб неча ноқисларни қилдинг сарнагун,  
Айлади беқадру қиммат, кун-бакун, ҳолин забун,  
Ақлин олди нечаларни, айлади бағрини хун,  
Ҳеч вафо қилмай, жафолар айлади аз ҳад фузун,  
Бори меҳнатлар билан қаддим дуто қилди фалак.

Сониян бир неча гофилларга бердинг гафлате,  
Неча оқилларни кори-боридин дар ҳайрате,  
Бўдилар мағрури сурат, олмадилар ибрате,  
Айладилар кори номашрўъ, кин-кудурате,  
Чу гирифтори ба дарди бедаво қилди фалак.

Жоҳили бедодгарларга бериб завқу сурур,  
Пайрави нафси ҳаво бирлан қилур кибру ғурур,  
Гардиши чархи фалак доим ҳимоят еткурур,  
Жабридин кўрқиб халойиқлар хушомадлар қилур,  
Неча кори нораволарни раво қилди фалак.

Ҳосили бебодаларни айлади боди ҳаво,  
Ожизу афтодаларни айлади соҳиб наво,  
Гардиши чархи фалак қилди на шоҳларни гадо.  
Нечаларни айлади ёри азизидин жудо,  
Нечаларни ғурбат ичра мубтало қилди фалак.

Хасталарни хор этиб, бир нечаларни зор этиб,  
Нечаларни дарду ғамдин сиймасин афгор этиб,  
Нечани дилшод этиб, бир нечани бемор этиб,  
Нечани ғарқоби ғафлат, нечани бедор этиб,  
Нечаларни ғарқи дарёи бало қилди фалак.

Дарду меҳнатлар билан бир нечалар ҳоли хароб,  
Айлади бир нечани фурқат билан бағрин кабоб,  
Ҳеч бировга лутф этиб, кўрсатмади роҳи савоб,  
Барчани жабру жафо бирла бериб сонсиз азоб,  
Не диловарларни тупроғ ичра жо қилди фалак.

Заррае бечораларнинг ҳолига раҳм этмади,  
Осиёнинг тошидек фарқи саримдан кетмади,  
Оҳу фарёду фиғони хасталарга етмади,  
Ҳеч кишига дарду меҳнат бобини тарк этмади,  
Барчани доми балога мубтало қилди фалак.

Раҳми йўқ, бедодгар, жаллоди пур жабру жафо,  
Неча ғавғоларни бунёд айлади олам аро,  
Қилди пайдо ҳеч адо бўлмас, туганмас можаро,  
Неча манманларни қилди пайрави нафси ҳаво,  
Нечани шармандаи рўзи жазо қилди фалак.

Заҳрлар солди фалак бир нечаларнинг ошига,  
Неча савдоларни солди одамийнинг бошига,  
Келмади ҳолин сўраб, бечораларни қошига,  
Солди ғам тоқидин ортуқ, боқмади бардошига,  
Синдириб болу парин, бедасту по қилди фалак.

Соқни мажлис бўлиб ҳар кимга бир жоми шароб,  
Сундию қилди они охир юрак-бағрин кабоб,  
Гардиши даврон билан бир нечанинг ҳоли хароб,  
Ерга яксон айлади бир нечаларни беҳисоб,  
Доимо каж ўргулиб сонсиз жафо қилди фалак.

Шеван шўриш билан хубларни ғамнок айлади,  
Не азизларни қаро тупроқ аро хок айлади,  
Нечаларни ғаму дарддан ёқасин чок айлади,  
Нечани доғи фироқ ичра алманок айлади,  
Бул жаҳонни барчага мотамсаро қилди фалак.

Сурат ородур жафопарвар фалакнинг гардиши,  
Чарҳи кажрафтор, гардон акс эрур доим иши,  
Барчага жабру жафою зулм-ситамадур қилмиши,  
Бу эмишдур пешаи андешаи ёзу қиши,  
Барчани навбат билан бир-бир фано қилди фалак.

Зойеъ этди нечаларни тухмат ила ўлдуруб,  
Мансури Халлождек бир нечаларни куйдуруб,  
Нечани Сайид Насимдак терисин сўйдуруб,  
Неча маҳзунлар ичини дарду ғамдин тўлдуруб,  
Неча соҳиб салтанатларни гадо қилди фалак.

Ман қолибман зор-зор йиғлаб, ёронлардин жудо,  
Тўтии ширин сухан, шакар фишонлардин жудо,  
Кўчаи ғурбатга тушган бағри қонлардан жудо,  
Жондан ортиқ ёри қобил, меҳрибонлардан жудо,  
Раҳнамо бўлган азизлардан жудо қилди фалак.

Нечаларга ғам бериб мандек аламнок айлади,  
Нечани жабру жафодин ёқасин чок айлади,  
Барчани охир қаро тупроқ аро хок айлади,  
Кимки оқилдур бу сўзни яхши идрок айлади,  
Ақли ноқисларни жаъмин норасо қилди фалак.

Водариғо, ҳасрато, андоқ ёронлар кетдилар,  
Ман начук тоқат қилай, ороми жонлар кетдилар,  
Хуни ҳасратлар ютиб, шери жаҳонлар кетдилар,  
Нўш этиб жоми ажалдин, бағри қонлар кетдилар,  
Андалиби хуш наволардан жудо қилди фалак.

Ҳеч киши мандек ғариби, зор, ҳайрон ўлмасин,  
Айрилиб ҳамдамларидин дийда гирён ўлмасин,  
Мубталон ғам, асири доғу ҳижрон ўлмасин,  
Зори мустар, кунжи ғурбат ичра нолон ўлмасин,  
Ошноларни манга ноошно қилди фалак.

Ләйиқи ҳолим бу эрмас эрди бўлдим хору зор,  
Сувдан айрилган балиқдек тоқатим йўқ, беқарор,  
Эътиборим қолмади, кетди қўлимдин ихтиёр,  
Ул сабабдин бўлмади бахту саодат манга ёр,  
Ииғламай, найлайки бахтимни қаро қилди фалак.

Йўл юре, Толиб, талаб қил гавҳари мақсудни,  
Берма дил дунёга, ахтаргин раҳи беҳбудни,  
Яхшилар яқсон билурлар буд ила нобудни,  
Бил ғанимат шарҳи поки Аҳмади Маҳмудни,  
Хоки пойин кўзларимга тўтиё қилди фалак.



## Баёни сўзи ишқ бу турур

Эй дил шароби шавқ ичиб мастона бўлмишам,  
Ақлу ҳушимдин айрилиб бегона бўлмишам,  
Майдони ишқ аросида мардона бўлмишам,  
Фурқат ўтига ўртаниб парвона бўлмишам,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Бўлдим асиру бенаво, ғам бирла мубтало,  
Дардимга юрдим ахтариб, ҳеч топмадим даво,  
Бағрим шикоф ғарқи хун, бошимга минг бало,  
Ҳолим хароб, бекасу кўйингдаман гадо,  
Мажнундек энди Лайли деб, девона бўлмишам

Тушдим фироқинг ўтига, бўлдим асири ғам,  
Бағримни қилди поралар ул ханжари, ситам.  
Чун булбули шикастадек сийнамда минг алам,  
Қилди мани шикастани теги жафо қалам,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Собит қадам бўлломмадим майдони ишқ аро,  
Гирдимни олди берк этиб, кўп лашкари жафо,  
Бўлдим ҳамиша дарди ғам қайдиға мубтало,  
Чархи фалак каж ўргулуб қилди мани адо,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Жабру жафонинг лашкари қилди мани хароб,  
Ғам соясинда тушмади бошимга офтоб,  
Қилди ҳамиша навҳалар бо дидан пуроб,  
Фурқат ўтига ўртаниб бағрим бўлиб кабоб,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Ҳайрат ўйида термулиб, қолдим бўлиб асир,  
Доғи жудолик ўртади, қилдим неча нафир,  
Раҳм эт, бу оҳи зорима эй шоҳи дилпазир,  
Зиндони ғамни тахтига ман бўлмишам амир,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Хобу хаёлу беҳуди, масти билан мудом,  
Юрдим, ҳамиша бўлмади ҳеч бир ишим тамом,  
Ҳою ҳавасда айладим чандин хаёли хом,  
Беҳуда кетди барчаси, иш бўлди нотамом,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Дардим деюрга топмадим бир маҳрами шафиқ,  
Ҳам йўл юрарга топмадим бир раҳбари рафиқ,  
Улфат бўлурга топмадим бир ҳамдами халиқ,  
Ҳолим анингдек бўлур—сувдин жудо балиқ,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Зикри забони нотиқим андуҳ—алфироқ,  
Солмас бу оҳу зорима золим фалак қулоқ,  
Мақсуди дилга етмадим, роҳи талаб йироқ,  
Маҳбуби дилрабо юзин кўрмакка иштиёқ,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Зори қилиб, жафо чекиб, фарёд этиб мудом,  
Фурқат аро фиғон этиб, ғам бирла субҳу шом,  
Ҳижрон ўтига ўртаниб, парвонадек мудом,  
Соқий илгидин ичмишам бир журъа май зи жом,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Сарви ниҳоли қоматим ғам бирла бўлди нун,  
Тушди таноби қайғудин кўнглимга минг тугун,  
Доғи фироқ пайкари дардим зи ҳад фузун,  
Роҳи талабда топмадим бир яхши раҳнамун,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Шавқи шароби беҳуди бағримни қилди чок  
Доим чекарман ўртаниб кўп охи дарднок,  
Дармон тополмай ахтариб бўлдим аламноқ,  
Бу дарди бедаво охир қилур асири хок,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Сабр айладим жафолара, тоқ ўлди тоқатим,  
Ақлу ҳушимдин айрилиб, кетди ҳаловатим,  
Ишқ оташига ўртаниб куймоқдур одатим,  
Оламни олди оташи дуди шароратим,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Зоеъ ўтодур рўзу шаб ҳар қилмишим хато,  
Ераб ўзингсан олиму бахшандан ато,  
Еткур мани шикастага сан ғайбдан шифо,  
Доим кўйингда айладим ман бенаво-наво,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Таъни рақибу тухмати мардум, фироқи ёр,  
Қилди мани шикастани бесабру беқарор,  
Кўрдим чаманда булбули дилхаста зори ёр,  
Сўрдим: Кўрармусан, деди гул теграсинда хор,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Зоҳир қилиб бу маънидан ман дафтар очмадим,  
Аъдо йўлимни олдилар, ман қайта қочмадим,  
Йиглаб дуою зорига дастимни очмадим,  
Қисмат ризосига кутиб ашкимни сочмадим,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Ақлимни олди маҳлиқо дилбарнинг гул юзи,  
Кўксимни тешди булбули дилхастанинг сўзи,  
Куйдирди, ўтга ўртади паргонанинг ўзи,  
Жонимни олди жилвали жононанинг кўзи,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Фурбат арода оҳ уриб юрдим ҳамиша зор,  
Жонимда ханжари ситам, бағримда захми хор,  
Кўксимда наштари алам, кўнглимда шавқи ёр,  
Орому сабрим олдириб ишқ ичра беқарор,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Қилсам тавофи Каъба деб кўп айладим ҳавас,  
Талваса қилдим ҳар тараф чун мурғи дар қафас,  
Парвоз этиб, тавоф қилиб келдим ҳарамни, бас,  
Ишқ аҳлидин бўлолматай ҳеч лангу булҳавас,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Кездим ҳаваснинг боғини кўрдим вафоси йўқ,  
Боди хазон олдида завқу сафоси йўқ,  
Гул теграсинда хори кўп, гайр, аз жафоси йўқ,  
Ҳою ҳаваснинг ранжини ҳаргиз шифоси йўқ,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Лекин бу даҳр фонийнинг бир яхши кори бор,  
Ҳар ким ул ишни айлади бахт анга бўлди ёр,  
Мунда на қилса ҳар киши фардо жазоси бор,  
Ул ишқ ризои ҳақ эрур, ишқи ҳақиқий бор,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Ман бори ғамнинг зўридан қаддим мисоли дол,  
Умрим ниҳоли қайрилиб ҳеч топмадим камол,  
Билмам туш эрди ё ўнгум, хоб эрди ё хаёл,  
Дилбар юзини очмади, кўрсатмади хиёл,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Васлингни юрдим ахтариб, чўлларда юрт ошиб,  
Шавқинг кўнгулда жўш уриб, дарё каби тошиб,  
Бир неча кун вафо бирла хубларга ёндошиб,  
Қолдим алардин айрилиб, ақлим кетиб, шошиб,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Лоф урма, ишқ ҳавосининг юзминг балоси бор,  
Ошиқ элининг бошида кўп можароси бор,  
Сабр айласанг жафосига охир вафоси бор,  
Васли жамол роҳати дил муддаоси бор,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

Ёрзб. талабда Толибни дилхастаи ғариб,  
Фазлингга ол. йўлингга сол, васлингга қил қариб,  
Еткур муроди аслига, шавқингга қил насиб,  
Авф эт тамоми ёзуқим, раҳм айла ё ҳабиб,  
Мажнундек энди Лайли деб девона бўлмишам.

## Баҳри лом алиф навои саюм бу турур

Эй, дило ман бенаво бўлдим гирифтори бало,  
Бўлмадим ғамдин раҳо, бўлдим гирифтори бало,  
Топмадим ҳеч бир даво, бўлдим гирифтори бало,  
Куйдим, ўртандим, адо бўлдим гирифтори бало,  
Найлайин ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Бори ғамдин қоматим ҳам бўлди, аҳволим хароб,  
Доғи ҳасратдин куйиб бўлди юрак-бағрим кабоб,  
Кеча-кундуз дарду ғамдин кўзларим селоби об,  
Сояи ғам ичраман, бошимга тушмас офтоб,  
Найлайин ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Тушди савдон жунун бошимга, бўлдим майпараст,  
Кетди ақлим доимо ғафлат шароби бирла маст,  
Борми мандек даҳр аро бахти қаро, иқболи паст,  
Гардиши чархи фалакдин доимо кўрдим шикаст,  
Найлайин ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Ҳасрато, оламда йўқ, мандек хунукрӯю қабех,  
Шумлигим маълум эрур, халқу халойиққа сарех,  
Йўқ эрур бир зарра ҳаргиз манда ақволи фасех,

Бад табиат, туршрӯю талхгӯю бемалеҳ,  
Найлайин ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Зикри ҳақ зокир қўлига боғу бўстондан лазиз,  
Оҳу афсусу надомат хуш гулистондан лазиз,  
Хаста диллар марҳами шавқи бақо жондан лазиз,  
Дарди ишқи дилбари жонона дармондан лазиз,  
Найлайин ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Соҳиби бахту саодат бўлмагай ҳар ому хос,  
Бўлмагунча то ҳама ғамҳои оламдин халос,  
Ким ризоҷӯ бўлса, ул олмас халойиқдин қасос,  
Топмадим ман даҳр ора халқ ичра бундай ихтисос,  
Найлайин ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Турфа ноқис, норасоман, айлаган корим ғалат,  
Суду савдо қилмагай, рӯзи бозорим ғалат,  
Раҳнамосиз бу хатарли йўлда рафторим ғалат,  
Жумлаи бемарҳабо, беҳуда гуфторим ғалат,  
Найлайин ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Мавсуми фасли баҳорим ўтди барг бермай гулим,  
Гул хазон топди, учар бўлди чамандин булбулим,  
Топмадим роҳи ризо, манга беркилди йўлим,  
Ҳасрато, ул муддаои дилга етмайдир қўлим,  
Найлайин ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Номусу шарму ҳаё элдин кетибдур бегумон,  
Ул сабабдин топмадим таъни маломатдин омон,  
Алҳазар, вақти яқин етди магар охир замон,



Рўбарўдур кўп аломатлар, қиёматдин нишон,  
Найлайн ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Ваҳми маҳшардин мусулмон банда титрар мў-бамў,  
Кўз ёши бирлан юзин юб, ҳар замон айлар вузў,  
Тарсоре, растагоре ишларидур жусту-жў,  
Манда йўқ тарсу тавозеъ, хулқи хуш, феъли накў.  
Найлайн ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Ҳар кишида бўлса тарсеъ доғу дарду оҳу воҳ,  
Гарчи дарвешу гадо, ул рўзи маҳшар подшоҳ,  
Қўрқмаган, дунёни севган аҳли ғафлат рў сиёҳ,  
Ман таваҳҳум қилмадим, бўлди мани ҳолим табоҳ.  
Найлайн ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Лофи бежо урма ҳаргиз айла парҳез аз бало,  
Ҳар бало келса раҳаммул қил анга, эй мубтало,  
Ҳар қазога рози бўл, андар хало, ҳам дар мало,  
Бўлмадим роҳи ризода ман шаҳиди Қарбало,  
Найлайн ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

Йиғла эй Толиб, кўзинг ёши худонинг раҳмати,  
Он қадар жорий бўлур фардо расулнинг шафқати.  
Еткуруп манзилга охир бўлса кимнинг ҳиммати,  
Раббано сидқу саодатдин манго бер хилъати,  
Найлайн ман мубтало бўлдим гирифтори бало.

## Баёни навои чорӯми лом алиф бу турур

Эй дилрабо, арзим санго, ман мубтало, ман мубтало,  
Дардимга топмасман даво, ман мубтало, ман мубтало,  
Айлаб наво, ман бенаво, ман мубтало, ман мубтало,  
Жонимда юз жабру жафо, ман мубтало, ман мубтало,  
Найлай гирифтори бало, ман мубтало, ман мубтало.

Бошимга минг савдо тушиб, юрдим висолинг, ахтариб,  
Кўп дарду кулфатлар кўриб, шами жамолинг ахтариб,  
Гамдин тўйиб, рангим сўлиб, қадди ниҳолинг ахтариб,  
Девонаи шайдо бўлиб, фикру хаёлинг ахтариб,  
Найлай гирифтори бало, ман мубтало, ман мубтало.

Тушдим бу гам саҳросига, эй дилбаро, арзим эшит,  
Чўмдим алам дарёсига эй маҳлиқо арзим эшит,  
Раҳм эт мани васвосига эй раҳнамо арзим эшит,  
Қилгин карам ман осийга ё раббано арзим эшит,  
Найлай гирифтори бало, ман мубтало, ман мубтало.

Собит қадам эр топмадим ҳар қилмишим бўлди абас,  
Ҳиммат буроқин чопмадим, ёзу қишим бўлди абас,  
Доим эл айбин ёлмадим, этган ишим бўлди абас,

Гоҳи талабни топмадим, ҳар билишим бўлди абас,  
Найлай гирифтори бало, ман мубтало, ман мубтало.

Қилдим қаландарлик ҳавас, тушдим халойиқдин йироқ,  
Бўлдим гирифтори қафас, парвоз этарга иштиқ,  
Қилдим садоҳи жарас ғамдин тўлиб бошдин-оёқ,  
Бўлдим бақадри хору хас, эй дилрабо ҳолимга бок,  
Найлай гирифтори бало, ман мубтало, ман мубтало.

Нўш айладим захробалар, бўлди дилим ғарқоби хун,  
Ўтди равон озодалар, бас, бўлди андешам узун,  
Ютдим неча хунобалар, дардим бўлиб аз ҳад фузун,  
Йўл топди кўп афтодалар, ман топмадим бир раҳна-  
мун,  
Найлай гирифтори бало, ман мубтало, ман мубтало.

Ё раббано, фағфирлано, тўк мағфират дарёсини,  
Ёл, очмагил маҳшар аро ман осийнинг расвосини,  
Бошдан ошур эй Толибо, дунёи дун ғавросини,  
Роҳи ризода жон фидо қил охират савдосини,  
Найлай гирифтори бало, ман мубтало, ман мубтало.

## Баёни баҳри «ё»и сони баҳри тавил бу турур

Аё дўстлар манго бўлди, жаҳон мотамсаро бўлди,  
Ишим доим наво бўлди, бу тағдири худо бўлди,  
Азал кўнди, манго бўлди, аламлар ошно бўлди,  
Бу дарди бедаво бўлди, нетай бахтим қаро бўлди,  
Эсиз умри азизим дарду ҳасратдин адо бўлди,

Тушиб бошимга савдолар, олиб оламни бежолар,  
Солиб халқ ичра ғавғолар, бу неча кўру гумроҳлар,  
Қани у дийда бинолар, на бўлди яхши ҳамроҳлар,  
Кўрунг у сарви раънолар, қаён кетди у барнолар,  
Тамоми халқи олам жумла тунроқ ичра жо бўлди.

Ҳаловат кўрмадим бир дам, замоне бўлмадим беғам,  
Рафиқим, мунисим мотам, аламларга бўлиб ҳамдам,  
Юрак доғли, кўзим пур нам, бу ғамдин бўлди қаддим  
хам,

Манинг дардимга йўқ малҳам, мисоли ҳазрати Одам,  
Ҳаётим борича вирдим заламно, раббано бўлди.

Харидори жамолингман, талабгори висолингман,  
Гирифтори хаёлингман, ҳамиша дилкашоблингман,  
Асири қилу қолингман, хумори лаъли боллингман,

Адон хату холингман, ўшал синган сафолингман,  
Хуруж айлаб хуморингдин дилу жоним фидо бўлди.

Залилу зор ўлуб мағмум, бўлур зоеъ тамом умрум,  
Мани таън айлаюр мардум, бўлай мурдум кўзидин  
гум,

Фароғат феъли ғофилдур, қабоҳат кори жоҳилдур,  
Шарофат яхши қойилдур, ёмон тил захри қотилдур,  
Риёзаткаш, ризожў бандалар ангушнамо бўлди.

Саодат топди неконлар, саломат ўтди поқонлар,  
Жаҳон айвонидин жонлар кетибдур марди майдонлар,  
Кўрунглар эй мусулмонлар, азиз жон ичра меҳмонлар,  
Набўлди ушбу ёронлар, кўнгул тахтида султонлар,  
Сухандонлар қаён кетди, бу даврондин жудо бўлди.

Шариат амри раҳбардур, кул элга фазли акбардур,  
Бу сўзлар шарҳи дафтардур, тамоми дуру гавҳардур,  
Ҳамма ёқути аҳмардур, жаҳон андин мунаввардур,  
Насими уди анбардур, димоғу дил муаттардур,  
Шариат ҳукмини берк ушлаганлар порсо бўлди.

Сифот этмай саломат йўқ, жафо чекмай ҳаловат йўқ,  
Халойиқ беадоват йўқ, бу боисдин фароғат йўқ,  
Жаҳон мулкига роҳат йўқ, турарга сабру тоқат йўқ,  
Мурувват элга одат йўқ, манга сўзларга ҳолат йўқ,  
Сабилар беадабликдин улуғлар беибо бўлди.

Заифларнинг ҳаёси йўқ, эронлар можароси йўқ,  
Бу гулшаннинг бақоси йўқ, жафоси кўп, вафоси йўқ,

Аламларнинг адоси йўқ, қаро кўнгул сафоси йўқ,  
Бу дардимнинг давоси йўқ, нетай дил муддаоси йўқ,  
Замирим соф эмасликдин чароғим беэиё бўлди.

Талабда бўлмадим доим, кечалар бўлмадим қойим,  
Ҳамиша бўлмадим сойим, топибдур тарбият лойим,  
Ғаму кулфат аро жойим, тўлуб ғамдин саро-пойим,  
Қолиб ғафлат аро нойим, будур тағдир мавлоим,  
Талабгор элга фатлубни, тажидни деб нидо бўлди.

Заламно деб бўлиб беҳуд, юрибман ахтариб мақсуд,  
Билолмайман надир беҳбуд, ки бўлмас матлубим  
мавжуд,

Магар луфт айлагай маъбуд, бу савдодин топарман  
суд,

Ки бўлмас меҳнатим нобуд, Муҳаммад Ҳомиду  
Маҳмуд,

Зухуриддин лайин шайтон ғам ичра мубтало бўлди.

Амалдан рахту борим йўқ, бу йўлда кишту корим йўқ,  
Эл ичра эътиборим йўқ, ки турмоққа қарорим йўқ,  
Мани хешу таборим йўқ, дам урмоққа мадорим йўқ,  
Ғарибдурман мозорим йўқ, қўлимда ихтиёрим йўқ,  
Абас ўтди бу умрим деб, ишим воҳасрато бўлди.

Ғарибдурман ватан қайда, чу ман зоғу заған қайда,  
Манго сайри чаман қайда, рафиқи яктан қайда,  
Манидак беватан қайда, талабга нимкан қайда,  
Фароғат ичра тан қайда, ўлиб битсам кафан қайда.  
Ғариблик дардига дўстлар ажал дасти даво бўлди.

Фасод элига ёндашдим, ёмонлик ҳадидан ошдим,  
Кетиб ақлим ажаб шошдим, замондин сўнг туриб  
қочдим,

Дуо, зорига қўл очдим, кўзимдан ашқлар сочдим,  
Бориб хубларга эргашдим, юруб кўп ақбалар ошдим,  
Фалакнинг гардишидин кўрмишим жабру жафо бўлди.

Қаландарлик ҳавас қилдим, ўзимни дар қафас қилдим,  
Бақадри хору хас қилдим, тилимни сўзламас қилдим,  
Неча ҳифзи нафас қилдим, садоҳон жарас қилдим,  
Хирад ақлимни паст қилдим, бу даъволарни бас  
қилдим,

Қизил гулдек юзим ғамдин сўлиб чун қаҳрабо бўлди.

Кўрибман мунча меҳнатлар, чекибон ранжу заҳмат-  
лар,

Қилурман яхши ниятлар, ҳамиша элга шафқатлар,  
Валекин мункир улфатлар, қилурлар неча тухматлар,  
Етар элдин бу кулфатлар, жаҳонга тўлди зулматлар,  
Касофат бўлди ғолиб, эл гирифтори бало бўлди.

Маломатдин саломатдур, ҳар ишдин бир аломатдур,  
Шаҳаншоҳдин адолатдур, машойихдин ҳидоятдур,  
Фақирлардин қаноатдур, ғанилардин саховатдур,  
Накўлардин шафоатдур, бу эл соҳиб саодатдур,  
Мунигдек иш батартиб бўлса элдин жо-бажо бўлди,

Нечук бўлгай мани ҳолим, қиёмат кунда аъмолим,  
Мани меъзони мисқолим, на бўлгай анда аҳволим,

Абас ўтди маҳу солим, зиёда бўлди жанжолим,  
Бошимдин ошди ашғолим, тўкилгандур пару болим,  
Нетай, кўнгил қуши парвоз этолмай мубтало бўлди.

Висблингни тилаб ёрим, кетибдур номусу орим,  
Кўпайди кориму борим, зиёда бўлди озорим,  
Йўқолди роҳу рафторим, тилимда кетди гуфторим,  
Десам бул сирру асрорим, дилимда қолди такрорим,  
Вале агёрларни жабри жонимга бало бўлди.

Лозим ҳар бандадин тоат, худонинг зикридур роҳат,  
Бағафлат бўлма бир соат, машаққатларга қил тоқат,  
Савоб этмоқни қил одат, камоли одами—тоат,  
Фасод, андешалар офат, эмас кибру риё ҳожат,  
Лоф урган аҳли миннат ҳосили боди ҳаво бўлди.

Яқин етди қиёмат кун, йиқилди бошима гардун,  
Фалак урди манга шаб хун, начук қилмоқ керак акнун,  
Кўзим ёши бўлиб Жайхун, юрагим ғуссадин пур хун,  
Эшит эй Толиби маҳзун фироқи Дайлидин Мажнун,  
Юрак бағри куйиб ўртаб бу оламдин фано бўлди.



\* \* \*

Эй хаста кўнгул дийдаи ибрат назарим йўқ,  
Синди, қанатим, эмди мани болу парим йўқ,  
Найлай, на қилай ҳақ йўлида чашми тарим йўқ,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ,

Бошимга тушиб ҳирси ҳавои ғами дунё,  
Қилди мани дунёи палид ўзига шайдо,  
Ғавғои фаровони жаҳон бўлди ҳувайдо,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ,

Тегди мани бошимга жафо теги баякбор,  
Бўлдим ҳамма жо халқи халойиқ ичида хор,  
Бу нафси ёмон қилди мани ғамга гирифтор,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ,

Сони бу фалак солди бошимга неча савдо,  
Саргашта қилиб айлади овворан саҳро,  
Ҳар ерда бўлур дарду балолар манга пайдо,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Жаллоди жафо ханжарини манга қилиб тез,  
Жон кишварини бузмоқ учун айлади ангез,  
Ҳар лаҳза боқиб, жоним олурға қилади хез,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Ҳайф ўтди эсиз ғафлат аро барча бу умрим,  
Нафс олди йўлимни, раҳи мақсадни йитурдим,  
Ҳеч роҳи ризони манга кўрсатмади мардум,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Ҳақ ичра халойиққа мани тегди зиёним  
Ҳеч манга амон бермади бул нафси ёмоним,  
Жонимдин ўтиб жабру жафо чиқди фиғоним,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Шармандаи дарёи хижолатга бўлиб ғарқ,  
Ҳеч нафъу зарар, неку бадим айламадим фарқ,  
Ҳар лаҳзада умр ўтди, чунон боди ҳаво, барқ,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Сайёди ажал дона билан домини қурди,  
Шамшери жафосин кўтариб бошима турди,  
Даврони фалак навбатини манга етурди,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Тоатни қўйиб, ғарра бўлиб нафси ҳавога,  
Шарманда бўлиб, қайга бораё сўйи давога,  
Бул нафси ёмон солди мани доми балога,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Қилган неча бул фикру хаёлим ҳамаси хом,  
Бул нафси саги саркаш учун йўқ манга ором,  
Бўлдим бу сифат бирла жаҳон халқига бадном,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Ким боди ажал қилди хазон тоза гулимни,  
Шайтони лайин ҳалқа уриб олди йўлимни,  
Қимдирки мадад қилса, келиб олса қўлимни,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Ман чархи фалак гардишидан доим ишим дод,  
Каж ўргилиб айлар мани дилхастани ношод,  
Ман ғамзадани айламади қайғудан озод,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Бу нафс мани саргашта қилиб ҳаддин ошурди,  
Ақлимни саросема қилиб турфа шошурди,  
Топган неча дорую даволарни ёшурди,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Ваҳм айламадим рўзи ҳашр ҳайбатидан ҳеч,  
Найлай манга бозори фано бўлди бу кун кеч,  
Суд этмади савдои матоим ҳамма сарпеч,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Ҳар ким бу жаҳон ичра келибдур, кетар охир,  
Эй хаста кўнгул бўлма жаҳон мулкига фохир,  
Мақсудига сидқ ила югурган етур охир,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Лозим ҳамадин нафсни аксига қилиб қор,  
Юргай ўзига сабру қаноатни этиб ёр,  
То бўлгай ўшал бандаи ҳақ лойиқи дийдор,  
Афсусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

Юз ҳайфки ғафлат бирла умримнинг тамоми,  
Толибнинг дариг ўтди, абас субҳ ила шоми,  
Кетди ўзи, қолди бу «МУРАТТАБ» била номи,  
Асусу дариг умрки оҳи саҳарим йўқ,  
Ғафлатда эсиз умр ўтибдур хабарим йўқ.

## Рубоий

Дарвеши шикаста чун биёяд ба дарад,  
Чизе бидеҳ аз баҳри равони падарад,  
Зар жаъм кунӣ барои се бегона,—  
Шӯйи зану домоду арӯси писарад.

## Хотима

Дариғу дард ким ман йўлга кетолмадим ба шитоб,  
Турарга тоқатим тоқ ўлди, йўлда йўқ асбоб,  
Қарилиқ етдию; куч кетди, тан бўлди бетоб,  
Кўз ўлди ожизу, вақт ўтди, эмди ҳол хароб...

## М У Н Д А Р И Ж А

Толиб Толибий <i>Т. Норов</i> . . . . .	3
Мураттабнома . . . . .	32

На узбекском языке

## ТОЛИБ ТОЛИБИ

Мураттабнамэ

Редактор А. Шаропов

Рассом В. Шумилов

Расмлар редактори Г. Ким

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор Б. Олимжон

ИБ № 2608

Босмахонага берилди 18.11.82. Босишга рухсат этилди 3.03.83.  
Р. 18038 Формати 60x90 1/32. Босмахона қоғози № 3.  
Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,75.  
Нашр л. 2,9. Тиражи 25000. Заказ № 2. Баҳоси 20 т.  
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 700129,  
Тошкент Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари Давлат Комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси.

Уз

Т 64

**Толибий, Толиб.**

Мураттабнома (Сўзбоши муаллифи Т. Норов).—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983—88б.

**Уз1**

Толиб Толибий XIX асрда Урта Осиёда яшаб ижод этган истеъдод соҳибларидан бири.

Шоир «Мураттабнома» деб аталган девонида зулм ва зўравонликка асосланган амирлик тузуми ва амалдорлари ҳамда дин ҳомийларининг жирканч башарасини пардапеч мисраларда фош этади. Толибийнинг мусамматлари эса унинг санъаткорлигида гувоҳлик бериб турибди

**Толиби, Толиб, Мураттабнома.**